

ISSN 2181-9521

№ 7-son, 2020



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL





Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги
“Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов
самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги
Фармонидан кўчирма:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Судьялар олий кенгаши ва судьялар ҳамжамияти билан биргаликда қонунчилик ташаббуси асосида **суд тизимида** 2021 йил 1 январдан бошлаб **қуйидаги ташкилий-тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишни** назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларини ташкил этиш;**

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш;

маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларини ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши;

Амударё, Нуробод, Бойсун ва Пастдарғом туманлари иқтисодий судларини тугатиш;

фуқаролик ишлари бўйича Янгийўл туманлараро судини, фуқаролик ишлари бўйича Ургут, Сўх, Хатирчи, Пахтакор туманлари судларини, Пастдарғом туманлараро иқтисодий судини, жиноят ишлари бўйича Бўзатов, Тахиатош, Бандихон, Тупроққалъа туманлари судларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий малака ҳайъатининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьялари малака ҳайъатларининг қарорлари устидан Судьялар олий кенгашига шикоят қилиш ҳуқуқини бериш.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Судьялар олий кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тегишли қонун лойиҳасини киритсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратураси ва Адвокатлар палатасининг 2021 йил 1 январдан бошлаб қуйидагиларни жорий этишни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

а) **суд ишларини назорат тартибда кўриш институтини тугатиш**, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибда протест киритиш ҳуқуқини бекор қилиш;

б) жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишининг умумий тартибда кўриб чиқилишига тўқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичини киритиш;

в) қуйидаги тартибларни жорий этиш: туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибда қайта кўриб чиқиш;

апелляция тартибда кўриб чиқилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибда қайта кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибда кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибда такроран кўриб чиқиш;

давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш;

прокурор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан чақириб олиб ўрганиш;

қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан кўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг Олий суд тузилмасида **инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича судлов таркибини** (кейинги ўринларда – Судлов таркиби) **тузиш** ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Судлов таркибига инвестиция киритилган санада йигирма миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда инвестицияни амалга оширган жисмоний ёки юридик шахслар (кейинги ўринларда – йирик инвесторлар) ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган инвестициявий низолар ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш ваколати берилсин.

Белгилансинки:

инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторларнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита Судлов таркиби томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши;

қолган инвестициявий низолар инвесторларнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида **қуйидаги таркибий тузилма (лавозим) лар киритилишига** розилик берилсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида:

Олий суд бошқармалари фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига ҳисобдор бўлган, Олий суд раисининг тақдимномасига асосан Олий суд Пленуми томонидан лавозимига тайинландиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари лавозими;

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси;

Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси;

б) вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида матбуот хизматлари.

“ODILLIK MEZONI”
илмий-амалий,
хуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Кенгаш раиси

Убайдулла МИНГБОЕВ

Кенгаш аъзолари

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Бехзод МЎМИНОВ
Шерзод ЮЛДАШЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Жамила ЭШОНҚУЛОВА

Сахифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори
билан юридик фанлар бўйича диссерта-
циялар асосий илмий натижаларини чоп
этиш тавсия этилган илмий нашрлар
рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил
27 августда 0972-рақам билан
кайта рўйхатдан ўтган.
Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.
Журналда эълон қилинган материал-
лардан фойдаланилганда, манба қайд
этилиши керак.

Босишга 27.07.2020 да рухсат берилди.
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ
Буюртма № 12
Адади 1910

Баҳоси келишилган нархда

“SIFAT XIZMAT MEDIA” МЧЖ
босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент
шаҳри, Юнусобод тумани,
Олой кўчаси, 1-уй

МУНДАРИЖА

Кун мавзуси

6-бет



**Фармон – суд органлари
фаолиятини замон талаблари ва
халқаро стандартларга
мувофиқлаштиришга хизмат қилади**

Ибрат


13-бет



**Фазилати
бўлмаганнинг
дўсти ҳам
бўлмас...**

Давр кўзгуси

14-бет



**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон
Республикасининг миллий стратегияси –
инсонпарварлик тамойиллари
акс этган концептуал ҳужжат**

Боболар тафаккури

18-бет



**Ўтда куймайдиган,
сувда чўкмайдиган
адолат**

Халқаро тажриба

20-бет



**Стартапларни қўллаб-
қувватлаш
механизмлари**

Қонун ижодкорлиги

24-бет



**Судьялар олий кенгашини
шакллантиришнинг
хуқуқий асосларини
янада такомиллаштириш
масалалари**

Менинг фикрим

27-бет



**Пандемия шароитида
давлат харидлари:
қонунчилик ва уни
такомиллаштириш**

Судья минбари 30-бет

Уй-жой низолари:
суд амалиёти,
муаммо ва ечим



Мозийдан садо 32-бет



Қозиларга
дастур бўлган
мақтуб

Мулоҳаза 34-бет

Фуқаролик
ишларида
виртуаллаштириш
муаммолари



Нуқтаи назар 36-бет



Судларда
экспертиза
тайинлаш

Тингловчи минбари 38-бет

Ярашув институти:
хорижий давлатлар
тажрибаси мисолида



Муносабат 40-бет



Судьяга нисбатан
хурматсизлик – қонун
талабига зид!

Уголовное право 43-бет

Проблемы понимания
объекта преступления
и его место в составе
преступления



Сравнительный анализ 48-бет

Вопрос теоретического и
законодательного
закрепления признаков
административного акта



Семейное право 51-бет



Правовые основы
регулирувания
имущественных
отношений
супругов в Узбекистане

Attitude 54-бет

Justice is a reliable
guarantee of
protection of
individuals and
legal entities



International cooperation 56-бет



Actual issues of
ensuring
the independence
of the judiciary

International experience 58-бет

Political and financial
independence
of the courts in Republic
of Croatia




Жараён 62-бет



Судьялар олий
мактабида
ўтказилган
онлайн халқаро
конференциядан
репортаж

ФАРМОН – СУД ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши ва стратегик мақсадига айланган “адолатни қарор топтириш” суд органларида ҳал этилади. Президентимизнинг таъбири билан айтганда, “Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши лозим.”

Шу боис сўнгги йилларда давлат ва жамият ҳаётида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, обрў-эътиборини юксалтириш, улар фаолиятига аралашини қатъий тақиқлаш билан боғлиқ кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, 10 дан ортиқ қонунлар, 20 га яқин Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Лекин, суд амалиётининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, суд ҳимоясини таъминлашда ортиқча бюрократик тўсиқлар ёки бир қатор камчиликлар ҳам бор. Мана шу камчиликлар эвазига судларда ишлар тўлиқ ва холис кўрилмаётгани, узоқ муддат чўзилаётгани ёки иқтисодий судларда апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилган кўплаб ишларнинг бекор қилинганлиги ёки ўзгартирилганлиги фуқароларда суд тизимига нисбатан ишончсизликни

келтириб чиқармоқда. Баъзи суд қарорларининг юқори турувчи инстанциялар томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши суд ишларининг ҳар томонлама юқори савияда кўриб чиқилмаётганидан далолат бермоқда.

2020 йил 24 июль куни қабул қилинган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони айнан суд амалиётидаги мана шундай камчиликларнинг барҳам этилишида муҳим аҳамият касб этади.

Қуйида эътиборингизга тақдим этилаётган давра суҳбатида ушбу фармоннинг мазмун-моҳияти, унда белгиланган муҳим вазифалар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар билан яқиндан танишасиз.

Ботир МАТМУРОДОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши
курашиш қўмитаси
раиси, юридик фанлар
номзоди



СУД ИШЛАРИНИ НАЗОРАТ ТАРТИБИДА КЎРИШ ИНСТИТУТИ ТУГАТИЛАДИ

– Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида Парламент юқори палатасининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фикр-мулоҳазаларимни билдириб ўтмоқчиман. Қўмита бевосита одил судловнинг сифати ва шаффофлигини янада ошириш бўйича таҳлиллар олиб бориш ва таклифлар тайёрлаш, шунингдек, суд тизимини изчил демократлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қўмаклашиш нуқтаи назаридан фаолият юритади.

Мазкур Фармонда белгиланган вазифаларнинг ижроси биринчи навбатда одил судловнинг сифати ва шаффофлигини янада оширишга, суд тизимини изчил демократлаштиришга, суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлашга олиб келади.

Ҳуқуқшунос сифатида фикрларимни давом эттирадиган бўлсам, унда назарда тутилган ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш мақсадида суд тизимидаги ташкилий-тузилмавий ўзгаришларнинг амалга оширилиши ниҳоятда ўринли.

Жумладан, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларининг ташкил этилиши, шу билан биргаликда айрим туманлар иқтисодий судларининг тугатилиши ёки фуқаролик ишлари бўйича баъзи бир туман судларининг, худди шундай жиноят ишлари бўйича бир қатор туман судларининг ташкил этилиши кўплаб фуқаролар учун қулайликлар яратади.

Жуда кўплаб жисмоний ёки юридик шахслар низолашаётган масала қайси судга тааллуқли эканлиги борасидаги муаммолардан қийналаётганлигидан, фуқаролар у ва бу суд идораси ўртасида сарсон бўлаётганликларидан шикоят қилишади. Юқорида санаб ўтилган суд тизимидаги тузилмавий ўзгар-

тиришлар амалиётдаги айни шу муаммонинг ечилишига сабабчи бўлади. Мен Фармоннинг биргина жиҳатига қисман тўхталиб ўтдим. Ваҳоланки, мазкур ҳужжатда суд тизимини бугунги замон талабларига мослаштириш учун ўндан ортиқ вазифалар кўйилган.

Фармонда “суд ишларини назорат тартибида кўриш институтини тугатиш” масаласининг белгиланганлиги алоҳида диққатга сазовор. Чунки, суд ишларининг қайта-қайта кўрилиши фуқароларнинг овора бўлишига, судларда иш ҳажмининг асоссиз ва мақсадсиз ортишига, қолаверса коррупция билан боғлиқ ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси бу масалани чуқур ўрганиб чиққан эди. Шунинг учун қонунчиликка киритилиши назарда тутилаётган ушбу ўзгаришларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, Фармон – фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини суд органлари орқали ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга амалий таъсир кўрсатади.

Жаҳонгир ШИРИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Корруп-
цияга қарши курашиш
ва суд-ҳуқуқ масалалари
қўмитаси раиси:



“БИР СУД – БИР ИНСТАНЦИЯ” ТАМОЙИЛИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

– Ботир Джолдасовичнинг фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда айтиш жоизки, 2021 йил 1 январдан бошлаб вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилади. Бу эса жойларда ягона суд амалиётини шакллантиришга, судларнинг тарқоқлиги туфайли фуқароларнинг сарсон бўлишини олдини олишга хизмат қилади.

Фармон билан прокурорнинг судда иштирок этиши тартиби илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларга мослаштирилмоқда. Жумладан, давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш, тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина прокурор томонидан суддан ишларни чақириб олиш, бошқа шахсларнинг ташаббуси билан кўзгатирилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш назарда тутилмоқда. Бундай қоидаларнинг киритилиши, албатта, суд

муствақиллигини, тарафларнинг судда тортишувчанлик ва тенглик тамойилини амалда таъминлашга хизмат қилади.

Эътиборлиси, Фармон билан ортиқча суд босқичларини бекор қилиш орқали “бир суд – бир инстанция” тамойили жорий этилмоқда. Яъни, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят даражасидаги судлар томонидан апелляция тартибида, апелляция тартибида кўрилган суд қарорларини эса Олий суд томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш, кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича суд қарорларини эса Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибида такроран кўриб чиқиш назарда тутилмоқда. Бундай тартибнинг ўрнатилиши натижасида судда ҳар бир иш бўйича якуний тўхтамга келиш орқали суд қарорларининг барқарорлиги таъминланади ҳамда фуқаролар сарсон бўлишининг олди олинади.

Маълумки, судда муайян ишни, низони тўғри ва адолатли ҳал этишда судьянинг асосий “иш қуроли” ва “таянчи” бу қонун. Шундай экан, Олий суд Конституция билан берилган қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан самарали фойдаланиши, одил судловни таъминлашда, албатта, ўзининг ижобий натижасини беради. Фармонда Олий суд тузилмасида Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси тузилиши кўзда тутилган. Бу эса Олий суднинг қонун ижодкорлиги фаолиятида янада кўпроқ ва профессионал тарзда иштирок этишни таъминлашга хизмат қилади. Бу тузилма орқали суд ва парламентнинг ўзаро ҳамкорлиги кучайишига шубҳа йўқ.

Дилшод АРИПОВ,
Судьялар олий
мактаби директо-
рининг ўринбосари,
юримдик фанлар
номзоди, доцент



ОДИЛ СУДЛОВ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИБ, СУДЪЯЛАРИНИНГ “ХАЛҚЧИЛ” ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ

– Амалга оширилган тарихий ислохотлар нафақат мамлакатимиз фуқаролари, балки нуфузли халқаро ва хорижий ташкилотлар томонидан ҳам ижобий эътирофларга сабаб бўлди. Хусусан, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичлари мунтазам равишда ижобий томонга ўзгариб бормоқда.

Маълумки, ҳозирги кунда давлатлар ривожланиши тенденциясида суд органлари муствақиллигининг таъминланганлиги ҳолатига қараб муайян давлатда

қонун устуворлиги аҳволи, унинг иқтисодий салоҳияти, унга инвестиция киритиш ва тадбиркорлик учун яратилган муҳит ҳақида хулоса берувчи халқаро ва хорижий ташкилотлар ва тадқиқот марказлари томонидан турли индекс ва рейтинглар юритилиб, уларда қонун устуворлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Жумладан, The World Justice Project халқаро ноҳуқумат ташкилоти дунё бўйича ҳар йили махсус “Қонун устуворлиги” индексини юритади. Ушбу индекс 44 кўрсаткичдан иборат бўлиб, муайян давлатда ҳуқуқий муҳитнинг ривожланганлик даражаси ва қонунчилик амалиёти ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш имконини яратади.

2020 йил ҳолатига Ўзбекистон “Қонун устуворлиги” индексидан 128 мамлакат ичида 92-ўринни, шундан “Фуқаролик одил судлов” индикатори бўйича 72-ўринни, “Жиноий одил судлов” индикатори бўйича эса 66-ўринни эгаллаган.

Бундан ташқари, “Бизнес юритиш” индекси бўйича Ўзбекистон 190 та мамлакат орасида контрактлар ижросини таъминлаш кўрсаткичи бўйича 2018 йилда 41-ўринни эгаллаган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилда янада яхшиланиб, 41-ўриндан 22-ўринга кўтарилган, низоларни суд томонидан тезкор ҳал этишнинг вақт кўрсаткичи бўйича 190 та давлат ичида 225 кунлик натижа билан 3-ўриндан жой эгаллаган, низоларни суд йўли билан ҳал этишда кетадиган харажат кўрсаткичи бўйича эса МДҲ мамлакатлари орасида 4-ўриндан жой олган.

Лекин, муҳтарам юртбошимиз жорий йилнинг 30 июнида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ўтказган видеоселектор йиғилишида “... албатта, бу ўзгаришлар одамларимизда ҳақиқат ва адолат бўлган ишончни мустаҳкамламоқда. Лекин, халқимиз суд-ҳуқуқ тизимидан рози, дейишга ҳали эрта” деб тўғри таъкидладилар.

Жумладан, маъмурий судларнинг ташкил этилганига эндигина уч йил бўлган бўлса-да, ушбу давр мобайнида уларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришга зарурат вужудга келди. Маъмурий судларнинг одил судловни амалга ошириш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар ва амалий таҳлиллар амалга оширилди, илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлар атрофлича ўрганилди. Айниқса, бу соҳада салмоқли ижобий тажрибага, юқори даражада маъмурий судлов тизимида эга бўлган Германия, Франция, Япония каби ривожланган давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда фармонда самарали маъмурий одил судлов тизимини яратиш вазифаси белгиланди.

Шу муносабат билан 203 та туман (шаҳар) маъмурий судлари мақбуллаштирилиб, уларнинг негизида вилоят марказларида 14 та туманлараро маъмурий судлар ташкил этилиши ҳамда мақбуллаштириш натижасида бўшаётган 150 та судья

ва 150 та суд ходими штат бирликлари иш ҳажми юқори бўлган бошқа судларни тўлдиришга йўналтирилиши назарда тутилди.

Фармонда белгиланган вазифалар ва чора-тадбирларни амалга ошириш суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини амалда таъминлаш, судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигига эришиш, одил судлов сифати ва самарадорлигини ошириш, пировард натижада судьяларининг “халқчил” қарорлар қабул қилишига олиб келади.

Азиз ОБИДОВ,

Ўзбекистон
Республикаси
Олий суди
Матбуот
хизматининг
раҳбари:



**СУД ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ
ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
ИМКОНЯТИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ**

– Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири – сўз эркинлиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жамият ҳаётидаги муаммоли масалаларни ҳал этишда оммавий ахборот воситалари ролини янада ошириш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 июль куни қабул қилинган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармасининг, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида матбуот хизматининг ташкил этилиши, бугунги куннинг муҳим талаби бўлган, суд органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашда амалий аҳамият касб этади.

Айни пайтдаги амалиётдан келиб чиққан ҳолда айтиш керакки, Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармасига ҳам, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасидаги матбуот хизматларига ҳам жуда катта эҳтиёж бор эди. Сабаби, ҳозирги жуда шиддатли ахборот алмашинуви даврида деярли ҳар куни ёки ҳар соатда медиа маконда юзага келаётган турли хил фикр-мулоҳазаларга тезкорлик билан муносабат билдиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Айниқса, сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситаларида, интернет сайтларида ёки ижтимоий тармоқларда суд ҳокимияти ва судьялар фаолияти билан боғлиқ турли фикр-мулоҳазалар тарқатилмоқда. Аслида, буни табиий жараён сифатида қабул қилишимиз

керак. Очиқ, эркин фуқаролик жамиятида худди шундай тенденция такрорланиб туради. Лекин, ҳар бир давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолиятларига нисбатан айтилаётган фикр-мулоҳазаларга муносабат билдириб туриши керак. Бунда, Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси ёки матбуот хизматлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Янги ташкил этилиши назарда тутилаётган тузилмаларнинг олдида жуда катта масъулиятли вазифалар турибди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларининг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини очиб бериш, бугунги суд тизими тўғрисидаги кенг қамровли маълумотларни аҳолига ўз вақтида тақдим этиш, суд-ҳуқуқ соҳаси бўйича жамият эҳтиёжларини ишончли, холис ва тезкор ахборотлар билан қондириш айнан мана шу тузилмалар зиммасидаги масъулиятли вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасидаги Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тизимидаги матбуот хизматлари ўз фаолиятларига масъулият билан ёндашиб, суд тизими ва судьялар фаолиятининг ёритилишини янги босқичга олиб чиқиши керак. Бунинг учун улар маҳаллий оммавий ахборот воситалари, айниқса, медиамаконда ўзининг тезкорлиги ва қулайлиги билан нуфузи ортиб бораётган электрон ОАВлари, жумладан, интернет сайтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйишлари талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, янги тузилмалар суд ҳокимияти ва жамият ўртасидаги сифатли мулоқотни йўлга қўйиши, кенг жамоатчиликка суд тизимидаги ислохотларнинг мақсади, вазифалари ва натижалари ҳақида тезкор, холис ва тўлиқ ахборот етказиб бериш учун хизмат қилади.

Иззатилла ТОЛИБОВ,
Судьялар олий мактаби
етакчи мутахассиси,
юридик фанлар номзоди:



**БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР СУД АМАЛИЁТИ
ЧУҚУР ТАҲЛИЛЛАРИ НАТИЖАСИДИР**

– Муҳтарам Президентимиз томонидан имзоланган мазкур Фармон суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллиги ва холислигига эришиш, уни ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасида ўзини оқлаган халқаро стандартларга мослаштиришда амалий аҳамият касб этади. Шу мақсадда, жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни


тортишув тамойилига риоя этган ҳолда, тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишининг умумий тартибда кўриб чиқилишига тўсқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичини киритиш назарда тутилмоқда. Бу тартиб суд амалиётига нима беради, деган табиий савол туғилади? Гап шундаки, суд процессида энг муҳим аҳамият касб этадиган институтлардан бири бу тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш масаласидир. Шубҳасиз, бу институтнинг амалда таъминланиши адолатли қарор чиқаришга асос бўлади. Демак, эндиликда жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида ҳам ўша иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда, энг муҳими тарафлар иштирокида қабул қилиш тартиби белгиланади. Ўз навбатида, бу суд ишини кўраётган судьяга алоҳида масъулият юклайди.

Бундан ташқари, бир қатор тартибларни жорий этиш, жумладан:

- туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибида қайта кўриб чиқиш;
- апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибида такроран кўриб чиқиш;
- давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш;
- прокурор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина суддан чақириб олиб ўрганиш;
- қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш каби муҳим масалалар белгиланмоқда.

Мазкур Фармоннинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унда белгиланган вазифалар бугунги кун суд амалиётининг чуқур таҳлили натижаларидан келиб чиққан ҳолда қўйилган.

Нигора КЕНЖАЕВА,
Конимех туман
маъмурий суди раиси:



“СУД АДОЛАТ ҚЎРФОНИ”ГА АЙЛАНИШИГА МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЯРАТАДИ

– Судни ўтмишдаги жазолаш органидан инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилувчи идорага айлантириш учун тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ана шундай ислохотларнинг амалий натижасида мамлакатимизда маъмурий судлар вужудга келди. Мазкур судлар жисмоний ва юридик шахслар билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасидаги муносабатларда вужудга келадиган низоларни кўриб чиқади. Ва фуқаролар ҳуқуқларини, тадбиркорлик субъектлари ҳамда нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, бунда учраб турадиган мавжуд маъмурий тўсиқлар, сансалорлик ва ортиқча ҳужжатбозликларга барҳам беришга хизмат қилади.

Айтиш керакки, бугунги кундаги маъмурий суд амалиёти ушбу судни ҳам замон талабларига мослаштиришни тақозо этмоқда. Шунинг учун, ушбу Фармонда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш;

маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларини ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши масаласи ўз аксини топди.

Амалиётда кўпроқ оммавий-ҳуқуқий низоларни кўришга ихтисослашган маъмурий судларга баъзи бир жиноят ишига ўхшаш маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриш ҳам юклатилган бўлиб, бу ҳоҳида уларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни атрофлича ва сифатли кўриб чиқиш имконини чекламоқда. Шу ўринда статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, маъмурий судларда 2020 йил 6 ойида 183 минг (2019 йилда – 412 минг) маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар кўрилган.

Туман (шаҳар) маъмурий судлари негизда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлар ташкил этилади. Бунда асосий эътибор нафақат судларга бўлган ташқи таъсир ва аралашувларни бартараф этишга, балки мазкур тоифадаги ишларнинг ҳажмидан келиб чиқиб, бутун республика бўйича судьялар ўртасида адолатли иш ҳажмини

тақсимлашга ҳам қаратилган. Жумладан, 2020 йил 6 ойида 6,9 минг (2019 йилда – 16 минг) оммавий ҳуқуқий низолар кўрилган бўлиб, бу умумий ишларнинг атиги 4 фоизини ташкил этади;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жинойт ишлари бўйича судларга ўтказилади. Бу албатта, суд амалиётида ўзининг ижобий натижасини беради.

Хайрулло АБДУЛЛАЕВ,
*Ғиждувон туманларара
иқтисодий суди раиси:*



ОЛИЙ СУД ТИЗИМИДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ТАРКИБ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

– Ушбу Фармонда суд амалиётидаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган 20 дан ортиқ янги тартибларнинг ўрнатилиши мамлакатимизда фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтиришга қаратилган.

Очигини айтганда, суд ҳимоясини таъминлашда баъзи бир ортиқча бюрократик тўсиқлар ёки қатор камчиликлар ҳам бор. Масалан, судларда ишлар тўлиқ ва холис кўрилмаётгани, узоқ муддат чўзилаётгани, ёки иқтисодий судларда апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилган кўплаб ишларнинг бекор қилинганлиги ёки ўзгартирилганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Шунинг учун, Президентимиз жорий йил 30 июнь куни видеоселектор йиғилишида бу масалага алоҳида тўхталиб, судларда ишларнинг 8 мингдан зиёд ёки 44 фоиз ишлар тўлиқ ва холис кўрилмаётгани, узоқ муддат чўзилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

2019 йилда иқтисодий судларда апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилган ишларнинг 2,5 мингдан ортиғи, яъни 44 фоизи бекор қилинган ёки ўзгартирилган. Бу ҳар икки шикоятдан бири бўйича туман ва вилоят иқтисодий суди чиқарган қарорлар юқори судда ўзгараётгани, тадбиркорлар ва инвесторлар сарсон бўлаётганидан далолат беради.

Бугунги кунда иқтисодий судлар амалиётида инвестициявий низоларни кўриб чиқишда ҳам айрим масалалар бор. Ана шу нуқтаи назардан ушбу Фармонда Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида йирик инвесторлар иштирокидаги инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича алоҳида судлов таркиби – инвестициявий таркиб тузилиши белгиланиб, унинг зиммасига йирик инвесторларнинг (20 млн. АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритган) ва давлат органлари ўртасидаги инвестициявий низолар-

ни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш вазифаси юклатилди.

Фармонга мувофиқ, йирик инвесторлар ўз хоҳишига кўра бевосита инвестициявий таркибга ёки умумий тартибда бошқа қуйи тизим судларига мурожаат қилиш, бошқа инвесторлар эса ўз хоҳишига кўра бевосита Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судига ёки умумий тартибда бошқа қуйи тизим судларига мурожаат қилиш имкониятига эга бўладилар.

Олий суд тизимида инвестициявий таркибнинг ташкил этилиши инвесторлар ўртасидаги низоларнинг бир суд даражасида қисқа муддатда ҳал этиш имконини беради ҳамда инвесторларнинг турли суд инстанцияларида сарсон бўлмасликларини кафолатлайди.

Муҳаммад ҚАЮМОВ,
*Жинойт ишлари бўйича
Мирзо Улуғбек туман
суди судьяси:*



ФАРМОНГА ҲАЁТИЙ ЗАРУРИЯТ БОР ЭДИ

– Дарҳақиқат, қадим-қадимдан инсонлар ўртасидаги барча ижтимоий муносабатларда, ҳар қандай низоларда ҳақни қарор топтириш, масалага адолатли ечим излаш илинжида қозиларга мурожаат қилинган. Қозиларнинг оқилона ҳукми билан адолат ўрнатилган. Бугунги кунда ҳам халқимиз суд идораларига “адолат кўрғони” сифатида қарайди. Лекин, Президентимиз таъбири билан айтганда, “халқ суд-ҳуқуқ тизимидан рози дейишга ҳали асос йўқ.” Халқимиз суд органларидан рози бўлиши учун бугунги кундаги суд амалиётидаги бир қатор хато ва камчиликлар тузатилиши лозим.

Одил судловни таъминлаш борасидаги муаммоларни ҳал қилиш нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, 2020 йил 24 июль куни Президентимиз томонидан имзоланган “Судлар фаолиятини янада тақомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида ҳаётий зарурият бор эди.

Масалан, Фармонда суд амалиётига жорий этилиши назарда тутилаётган дастлабки эшитув босқичини киритишни бироз таҳлил этайлик. Ушбу институт миллий амалиётда ҳам хорижий тажрибада ҳам суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти устидан суд назоратини амалга оширишда ўта муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Гап шундаки, бу – адолатли суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш имконини яратиб баробарида жинойт ишининг умумий тартибда кўриб чиқилишига тўсқинлик қилувчи омилларни

тезкорлик билан аниқлаш ва бартарафга амалий таъсир кўрсатади.

Ўрни келганда икки оғиз бу борадаги илғор хорижий тажрибага ҳам тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб биламан. Дастлабки эшитув институти турли шаклларда кўплаб жорижий мамлакатларнинг жиноят суди амалиётига жорий этилган. Айниқса, бу борада англо-саксон ҳуқуқ тизимида етакчи давлатлар қаторида турадиган, ўзига хос ҳуқуқ тарихига эга бўлган Буюк Британияда дастлабки эшитув (preliminary hearing) кўп йиллардан буён амал қилиб келади. Жиноят суди процессида судья биринчи навбатда судланувчининг қай даражада айбдорлигига эмас, балки ўша иш бўйича тўпланган далилларнинг ҳақиқийлигига, бундан ташқари етарли-етарли эмаслигига асосий эътиборини қаратади.

Суд амалиётига татбиқ этилиши назарда тутилган ушбу янги тартиб судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, одил судлов самарадорлигини янада ошириш, энг муҳими инсонларнинг конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқ ҳамда эркинликларини амалда таъминлаш, бир сўз билан айтганда давлат ва жамият ҳаётида “адолат қарор топиши” да амалий аҳамият касб этади.

Баҳодир ҚАЮМОВ,
Чилонзор туман
маъмурий суди судьяси:



СУД ОЧИҚЛИГИНИ ҲАМДА АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТ ЎРНАТИШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИ

– Президентимиз кўплаб маърузаларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига ўз фаолиятларида фақат адолат билан иш юритишлари шартлигини, ана шундагина “халқни рози қилиш” мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтадилар.

Хусусан, 2020 йил 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида “Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак. Бу Президент талаби!” дея яна бир бор таъкидлаб судьялар ва суд тизими ходимларига вазифа қўйдилар.

Юқорида ҳамкасбларимиз томонидан тўғри таъкидланганидек, бугунги кунда “адолатнинг қарор топиши” да суд органлари муҳим аҳамият касб этади.

2020 йил 24 июль куни Президентимиз томонидан имзоланган “Судлар фаолиятини янада тақомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини

оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш орқали жамиятда адолат ўрнатилишига хизмат қилади.

Айниқса, Фармонда белгиланган вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида матбуот хизматларининг ташкил этилиши судьялар фаолиятининг очиқлигини, шаффофлигини ҳамда аҳоли билан мулоқот ўрнатилишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаради. Очиғини тан олиб айтиш керак, туман ва вилоятлар судлари судьяларининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги бугунги кун талаблари даражасида эмас. Айни пайтдаги мамлакатимизда сўз эркинлигини, қолаверса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш борасидаги вазифаларнинг самарали ижроси матбуот хизматлари фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Амалиётда судьяларнинг журналистлар билан ҳамкорлиги, уларнинг ахборот олишлари борасидаги тезкор саволларига жавоб бериш, ёки суд процессида ОАВ вакилларининг иштирок этиши юзасидан бир қатор муаммолар бор эди. Фармонда назарда тутилган матбуот хизматларининг ташкил этилиши ана шу муаммоларни бартараф этади.


ОАВ вакилларининг очиқ суд мажлисида иш бўйича маълумотлар олиш мақсадида қатнашиши маълумот олишнинг қонуний йўли эканлигини инобатга олиб, уларнинг қонунда назарда тутилмаган асосларга кўра, суд мажлиси залига киришига тўсқинлик қилишига йўл қўйилмайди. Бу суд жараёнининг ОАВ томонидан ёритилиши суд муҳокамасининг очиқ ва шаффофлигини таъминлаш билан бир вақтда кишилар онгида келажакда шу сингари қонун бузилиши ҳолатларини олдини олишга, уларнинг ҳуқуқий билимлари ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшади.

Хулоса қилиб айтганда, Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 24 июль куни имзоланган мазкур Фармон янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини, мамлакатимиздаги кўплаб инвесторлар ҳуқуқларининг суд ҳимоясида бўлишини таъминлашга, одил судлов борасидаги бир қатор камчиликларнинг барҳам берилишига ва пировард натижада суд органлари фаолиятини бугунги кун талаблари ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Давра суҳбатини Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.

ФАЗИЛАТИ БЎЛМАГАННИНГ ДЎСТИ ҲАМ БЎЛМАС...

Қушлар билан йиртқичлар ўртасида катта низо чиқибди. Иккала томон ҳам ўзига қўшин йиға бошлабди. Кўршапалак қайси тарафга қўшилишни билмай, иккиланиб қолибди. У турган шох олдидан ўтиб кетаётган қушлар:



– Юр, бизлар билан, – дейишибди.
Аммо Кўршапалак:
– Мен йиртқичман, – дебди.
Кейинроқ уни тагидан ўтиб кетаётган йиртқичлар тепага қараб шундай дейишибди:

– Юр, бизга қўшил.
Лекин у: – Мен қушман, – дебди.
Хайриятки, охирги лаҳзаларда тинчлик ўрнатилибди, ҳеч қандай уруш бўлмабди. Шунда Кўршапалак қушларнинг олдига бориб улардан ўзини хурсандчиликларига шерик қи-

лишларини сўрабди. Аммо ҳамма қушлар ундан юз ўгириб, учиб кетишибди. Шундан кейин Кўршапалак йиртқичларнинг олдига борибди. Бироқ тезда у ердан ҳам чекинишига мажбур бўлибди, зеро, йиртқичлар уни бурда-бурда қилишига шай турардилар.

Шунда Кўршапалак ўзига шундай деди:

– Фазилати бўлмаганнинг дўсти ҳам бўлмас экан.

ЭЗОП масали





Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Спикери-
нинг биринчи ўринбосари,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
миллий маркази директори,
академик

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ – ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АКС ЭТГАН КОНЦЕПТУАЛ ҲУЖЖАТ

“Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш биз барно этаётган очиқ, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир.”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Инсонни қадрлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш орқали муносиб турмуш шароитларини яратиш бериш давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши деб белгиланди. Сўнги йиллардаги демократик ўзгаришлар, шиддатли, изчил ҳамда кенг қамровли ислохотлар замирида ҳам давлат ва жамият ҳаётининг бош тамойилига айланган ушбу муҳим вазифани амалга ошириш гоёси ётади. Шу ўринда, Давлатимиз раҳбари бошчилигида бутун халқимиз янги Ўзбекистонни бунёд этиш учун ўз ҳиссасини қўшаётганлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Аллақачон глобал тус олиб улгурган, бугунги кунда дунё ҳамжамиятини оғир бир аҳволга солиб қўйган коронавирус пандемияси шароитида “Ўзбекистонда ҳеч бир инсон, ҳеч бир оила давлатимиз ва жамиятимиз эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмайди” деган гоё миллий стратегик режанинг асосий мазмунига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги Фармони билан тасдиқланган “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси” қабул қилиниши ҳам мана шундай инсонпарвар ислохотларнинг мантикий давоми бўлди. Ўрни келганда алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжат бир қатор нуфузли хорижий экспертлар томонидан тарихий воқелик сифатида юксак баҳоланди. Уларнинг эътирофи этишича, Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича кенг қамровли концептуал аҳамиятга эга бўлган “Миллий стратегияси”ни қабул қилган кам сонли мамлакатлар қаторидан жой олди.

Дарҳақиқат, “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси”га сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, унинг қуйидаги жиҳатларига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз:

биринчидан, ушбу ҳужжат том маънодаги инсонпарварлик гоялари билан суворилган бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги халқаро ҳужжатларда белгиланган асосий принципларга тўла мос келади;

иккинчидан, унда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришнинг аниқ механизмлари белгилаб берилган;

учинчидан, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мутлақо янги бир босқичини бошлаб берди;

тўртинчидан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича бешта устувор йўналишни қамраб олган Ҳаракатлар стратегиясида инсон ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади;

бешинчидан, янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътиборини янада оширишга амалий таъсир кўрсатди.

Бугунги кунда бутун дунёда рўй бераётган туб ўзгаришлар, хусусан, коронавирус пандемияси туфайли вужудга келган мураккаб геосиёсий вазият, тобора чуқурлашиб бораётган глобаллашув шароитида “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси” мамлакатимиздаги инсон ҳуқуқларини таъминлаш жара-

ёнида стратегик истиқболни белгилайдиган сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур ҳужжатнинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири, халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг устав органлари ва шартномавий кўмиталарининг тавсияларини инобатга олган ҳолда, шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамаси, халқаро ва миллий маслаҳатлашувлар натижасида ишлаб чиқилганлигидир. Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, "Миллий стратегия"ни ишлаб чиқиш жараёнида, аввало мамлакатимизда бу соҳада айни пайтгача тўпланган миллий амалиёт, ютуқ ва камчиликлар, муаммо ва унинг ечимлари алоҳида эътиборга олинган. БМТнинг устав органлари ва шартномавий кўмиталарининг тавсиялари чуқур ўрганиб чиқилганидан сўнг акс эттирилган. Шу билан биргаликда, соҳадаги халқаро амалиёт ҳамда универсал ва минтақавий ҳужжатлар синчковлик билан таҳлил қилинган.

Дастлаб, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегия лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа матни миллий, хорижий ва халқаро ҳамкорлар билан биргаликда кенг муҳокама қилинди.

Ўтган давр мобайнида Миллий стратегия лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун regulation.gov.uz сайтига, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказнинг расмий сайтига 2 марта, яъни дастлабки ва таклиф-мулоҳазалар билан такомиллаштирилган вариантлари жойлаштирилди. Муҳокамалар жараёнида 100 дан ортиқ давлат органлари ва 500 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотларидан кўплаб таклифлар олинди. Бундан ташқари, лойиҳа юзасидан жорий йил 28 февралда Миллий маслаҳатлашув ташкил этилди. Унда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари фаол қатнашди. Ушбу иштирокчилардан ҳам Стратегия лойиҳасини янада мукамаллаштириш юзасидан қимматли таклиф ва тавсиялар олинди.

Лойиҳа бўйича БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги Доимий мувофиқлаштирувчиси ҳамда БМТнинг Агентликлари, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий бўлими, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Нагоя университети ҳузуридаги ҳуқуқий алмашинув бўйича Осиё маркази ўз таклиф-мулоҳазаларини тақдим қилди. Миллий стратегия лойиҳаси юзасидан БМТ ва ЕХҲТнинг инсон ҳуқуқлари масаласи бўйича халқаро эксперти Г.Тугуши томонидан экспертиза ўтказилди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиз кенг кўламли ислоҳотлар талаби, жумладан, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш юзасидан қабул қилинган ушбу ҳужжатнинг моҳияти ва аҳамияти қуйидаги омилларда намоён бўлади:

биринчи омил, "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси" тўғрисидаги маълумотлар БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди. Бу ҳар қандай мамлакат ҳаётида кам тақдорланадиган тарихий воқеа сифатида баҳоланиши ва бундан Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси фахрланиши лозим. Лекин, шуни ҳам унутмаслик керакки, бу ўз-ўзидан пайдо бўлаётган ҳодиса эмас. Мен инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ органларига Миллий маърузаларни тақдим этиш жараёнида ва муҳокамаларда кўп бора гувоҳи бўляпманки, сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик ва институционал базани мустаҳкамлаш, ушбу соҳада халқаро стандартларни миллий қонунчиликка жорий қилиш ва мажбуриятларни бажариш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётгани, шунингдек, ушбу йўналишда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик фаоллаштирилаётгани алоҳида эътироф этилмоқда;

иккинчи омил, "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси"ни тасдиқлаш тўғрисидаги маълумотлар БМТ нинг 6 та тилида нашр этилди. Одатда, БМТнинг асосий мақсад ва вазифаларига ҳамоҳанг бўлган ёки бутун дунё ҳамжамияти ҳаётига бевосита дахлдор деб ҳисобланган ҳужжатларгина унинг 6 та тилига таржима қилинади. Ушбу мезондан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, БМТ ва унинг тузилмалари "Миллий стратегия"га ниҳоятда муҳим ҳужжат сифатида қарамоқда;

учинчи омил, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик борасида ҳам ривожланишнинг янги босқичига кўтарилгани эътирофи деб қараш керак. Сабаби, унда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий кўмиталари хабарномалари ва қарорларини кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби ҳам белгиланди. Ушбу тартибга кўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига келиб тушган хабарнома ўн иш куни ичида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилади. Умумий муддат хабарноманинг Ташқи ишлар вазирлигига келиб тушган кунидан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг расмий нуктаи назари БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари

ва шартномавий кўмиталарига юборилишига қадар икки ойдан ошмаслиги лозим. Марказ хабарноманинг мазмунидан келиб чиқиб, беш иш куни ичида тегишли давлат органларига хабарномани кўриб чиқиш учун ишчи гуруҳни шакллантириш мақсадида сўровнома юборади.

Давлат органлари хабарномаларни кўриб чиқишда Марказ билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш учун масъул шахсларни белгилайди ва уч иш кунида ишчи гуруҳга киритиш учун номзодларни тақдим этади. Марказ Адлия вазирлиги билан биргаликда беш иш куни ичида хабарноманинг мақбуллик мезонларига мувофиқ келиши бўйича ўрганиш учун ишчи гуруҳни шакллантиради ва Ўзбекистон Республикасининг асосланган жавобини тақдим этиш муддатини белгилайди;

тўртинчи омил, Президентимизнинг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясини тузиш тавсия этилган. Шу биргина далилнинг ўзиёқ, фикримизча, Миллий стратегияда белгилаб берилган вазифалар ҳам глобал ҳамкорлик принципига таянишини яққол англатиб турибди.

Миллий стратегиянинг асосий вазифалари ҳақида сўз борганда, қуйидагиларни санаб ўтиш зарур:

- мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, умум-эътироф этилган халқаро стандартлар ҳамда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларини, шунингдек, БМТнинг устав органлари ва шартномавий кўмиталарининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда қонунчиликни такомиллаштириш;

- 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишида парламент ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга мувофиқлаштириш;

- Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар, яъни қонун устуворлиги, норма ижодкорлиги сифати, ҳукумат фаолияти самардорлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш, бизнесни олиб бориш шарт-шароитлари, глобал рақобатбардошлик, инновацион ривожланиш ва бошқа кўрсаткичлар бўйича дунёдаги 50 та етакчи мамлакатлар қаторига киришини таъминлаш;

- инсон ҳуқуқлари бузилишларига барҳам бериш мақсадида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш ва одил судлов тизими ваколатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар фаолияти учун кенг шароитларни яратиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг миллий тизимини янада ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш;

- шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳимоя қилишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий сектор фаолиятининг очиқлиги ва ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашувларни ўтказиш амалиётини такомиллаштириш;

- жиноятчиликнинг, айниқса одам савдоси, коррупция, қийноққа солиш, уюшган ва транс-миллий жиноятчиликнинг олдини олиш ва бу иллатларга қарши курашиш, шунингдек, ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар ва маҳкумларни сақлаш жойлари тизимида одил судловга ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш;

- аҳолининг имконияти чекланган, кам таъминланган гуруҳлар ҳуқуқларини БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг “ҳеч кимни орқанда қолдирмаслик” тамойилига мувофиқ ҳимоя қилишни таъминлаш, давлат ва жамиятнинг алоҳида ҳимоясига муҳтож бўлган шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш;

- дин, сўз ва фикр эркинлиги, маълумот олиш, камситишга йўл қўймаслик, гендер тенгликни таъминлаш, барчанинг сифатли таълим ва тиббий хизматлардан тенг фойдаланиши, кекса одамларнинг ижтимоий интеграцияси, болалар, ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ва мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳаларида ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш;

- оила институтини, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилада зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишни ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан қўллаб-қувватлаш даражасини ошириш;

- инсоннинг иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш, хусусий мулкчилик ва давлат-хусусий шериклик алоқаларини ривожлантириш;

- таълимнинг сифати ва барча даражадаги камровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, ўқитиш тизимининг инклюзивлиги ва ундан барчанинг фойдалана олишини таъминлаш;
- инсон ҳуқуқлари соҳасида ахборот-маърифий фаолиятининг сифати ҳамда манзиллигини яхшилаш;
- давлатлараро муносабатларни, халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини уйғунлаштириш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномавий органларнинг тавсияларини сифатли ва ўз вақтида бажариш мақсадида инновацион тамойилларни жорий этиш;
- БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига Ўзбекистон Республикаси сайланишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

“Миллий стратегия”ни қабул қилишдан кўзланган мақсад ва вазифаларга жиддий эътибор қаратсангиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамиятни тараққий эттириш билан боғлиқ нақадар улкан муддаолар қўйилганлигига амин бўласиз. Энг муҳими, энди “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси”да белгиланган вазифалар ижросини самарали таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”-ги ПФ-6012-сонли Фармонида ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига ҳам бир қатор вазифалар юклатилган. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Миллий стратегия ва “Йўл харитаси”нинг амалга оширилиши юзасидан:

- ▶ мунтазам мониторинг олиб бориб, чора-тадбирлар сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича таклиф ва тавсияларни тегишли вазирлик ва идораларга киритиб боради;
- ▶ доимий равишда аниқ кўрсаткичлар ва эришилган натижалар акс эттирилган батафсил ахборотни ўз веб-сайтида жойлаштириб боради;
- ▶ ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган маълумот киритади;
- ▶ ахборот-таҳлилий шарҳлар тайёрланиши, хорижий тилларга таржима қилиниши ва эълон қилинишини таъминлайди;

- ▶ “Йўл харитаси”да белгиланган маъсул ижрочилар ўзларига юклатилган вазифалар ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойнинг 5-сана-сига қадар Марказга тақдим этади. Бунда, вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши учун шахсан жавобгардир;
- ▶ Миллий стратегия ва “Йўл харитаси”нинг ижро ҳолати юзасидан ҳар олти ойда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисларида вазирлик ва идораларнинг ахбороти тингланади.

Фармонда вазирлик ва идоралар раҳбарларининг Миллий стратегия ва “Йўл харитаси”нинг ижро ҳолати юзасидан ахборотини ҳар чоракда эшитиш ва танқидий муҳокама қилиш зарурлиги кўрсатилган. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг Миллий стратегия ва “Йўл харитаси”нинг ҳудудлар кесимида ижро этилиши юзасидан ахборотини ҳар чоракда эшитиш ва танқидий муҳокама қилиш тавсия этилди.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини оширишда кўрсатган хизматлари учун ҳар йили Халқаро инсон ҳуқуқлари кунинда топшириладиган **“Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун”** кўкрак нишони таъсис этилади.

Ҳар икки йилда юқори савияда ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий давлатлар мутахассислари ва фахрий меҳмонлар иштирокида Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми ўтказилади.

Хулоса қилиб айтганда, МИЛИЙ СТРАТЕГИЯ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНнинг конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини амалда таъминлаш вазифасига тизимли ёндашувнинг ёрқин ифодасидир. “Миллий стратегия”нинг қабул қилиниши доирасида мамлакатимиздаги инсон ҳуқуқларини амалда таъминлаш бўйича институционал тизим янада такомиллаштирилиши баробарида бу ўта муҳим масаланинг бажарилишини доимий мониторинг қилиб бориш механизмлари шакллантирилмоқда.

Фармонда таъкидланганидек, **“инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустақамланишига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилади”.**



Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари
доктори, профессор

ЎТДА КУЙМАЙДИГАН, СУВДА ЧЎКМАЙДИГАН АДОЛАТ

Жамият тараққий этмоги учун адолат мезонларига қатъий амал қилинмоги зарур. Буюк бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий асарларида бунга алоҳида урғу берилган. Улуғ мутафаккир мана бундай ёзади: “Адл бир кўргондирки, сув солиб йиқилмас ва ўт била куймас, манжаниқ била бузилмас. Ва адл ганжидурким, кўпрак олган сайин кўпрак бўлур, озроқ харж қилсанг, озроқ бўлур”. Ҳақиқатан, ҳар қандай моддий хазинадан бирор қисми сарфланса, шунча камаяди. Бироқ ҳазрат Навоий таърифича, адолат ўтда куймайди, сувда йиқилмайди, харж қилган билан адо бўлмайди.

“Хамса”нинг биринчи достони “Ҳайрат ул-аброр”да буюк шоир қаламга олган “Шоҳ Фозий” ҳикояти ҳам адолат ҳақида. Ҳикоят шоҳ Фозийнинг тахтни эгаллаш учун гоҳ Хоразмда, гоҳ Адоқ (Амударёнинг қуйилиш жойидаги шаҳар ва унинг атрофидаги ерлар)да юриб, кураш олиб борган тасвиридан бошланади. Бу курашлар натижасиз қолмайди.

Бор эди зотида сазоворлиқ –

Ким, Ҳақ анга берди жаҳондорлиқ.

Яъни, асли насли ҳукмдорликка муносиб бўлгани боис Тангри таоло унга подшоҳлик тахтини насиб этди. У тахтни эгаллагач, ушбу юксак мартабага муносиб эканини яна бир карра исботлади. Адолатли сиёсати туфайли эл шод, мамлакат обод бўлди:

Адл эшигин элга қушод айлади,

Тахт узра ўлтирдию дод айлади.

Тузди бузуқларни иморат била,

Зулмни даф этди адолат била.

Кунларнинг бирида шоҳ сайрга отланаётган маҳалда телбанамо бир кампир унинг этагидан маҳкам тутди ва шундай сўзларни айтиб хитоб қилди: “Эй шарият қонунларини ўз ҳаётий аъмолига айлантирган шоҳ! Менинг сенда шаръий даъвом бор. Агар сен адолатли бўлсанг, менга газаб қилма! Менинг даъвомга шарият маҳкамасида, қозининг ҳузурида жавоб бер!” Шоҳ деди: “Агар даъвонг ҳақ, шариятга мувофиқ бўлса, жоним фидо бўлсин”.

Алқисса, иккаласи қозининг ҳузурига боргач, кампир ўз даъвосини қуйидагича изҳор этди: “Тахт учун курашиб юрган кезларида подшоҳ ёлғиз фарзандимнинг ўлимига сабаб бўлган эди. Мен жигарбандимнинг хунини талаб қиламан”. Табиийки, ҳукм чиқариш учун даъвонинг ўзи кифоя эмас. Қози кампирдан иккита гувоҳ келтиришини сўрайди. Доно кампир: “Гувоҳларимдан бири подшоҳнинг адолати бўлса, иккинчиси – унинг инсофи”, деган жавобни беради. Буни

эшитган шоҳ Фозий ўз айбига иқрор бўлади. Қози эса адолатли ҳукм чиқаради:

Қози бўлуб адл ҳаримиға хос,

Қилди равон ҳукм: “Дият ё қасос”.

Яъни, ё подшоҳ кампирнинг ўғлини ноҳақ ўлдиргани учун хун тўлаши ёки кампир подшоҳдан қасос олиши лозим. Шунда Шоҳ Фозий ҳеч бир иккиланмасдан, ўз бўйини рўмол билан маҳкам боғлаб, кампирнинг қўлига тиф тутқазади. Бир томонда эса хун миқдоридан олтин-кумушларни тўкиб қўяди. Шоир мана бундай ёзади:

Деди: “Қасос айласанг оллингда бош,

Сиймни ол, гар гаразингдур маош.

Мен эдим ул амрда беихтиёр,

Ҳар не сан этсанг, менга не ихтиёр”.

Ҳазрат Навоийнинг таъкидлашича, шоҳнинг бу даражадаги адолати ва зўр инсофи қасос тифини худди кампирнинг тишларидек ўтмаслаштириб қўйди. Кампир ўзини шоҳ Фозийнинг оёғи остига ташлайди.

Тушди аёғига бўлиб узрхоҳ,

Дедики: “Эй хусрави анжумситоҳ!

Гар йигитим қилди фидо жон санга,

Мен қари жони даги қурбон санга.

Мендин агар бўлди аён изтироб,

Лутф ила афв этки, мен ўлдум хароб”.

Шоҳнинг бу янглиғ адолати кампирга шу даражада таъсир қилдики, у “Сендек адолатли шоҳ учун нафақат фарзандим, ўзимнинг ҳам минг жоним фидо бўлсин!”, дея мурожаат қилди. Ҳазрат Навоий бу воқеага қуйидагича муносабат билдиради:

Ваҳ, бу не изҳори хижолат бўлур,

Бу не деган лутфу адолат бўлур.

Зол кечиб даъвию дастонидин,

Йўқки ўғил қонидин, ўз жонидин.

Одил подшоҳ кампирни ўз адолати билан бой-бадавлат қилди. Кампир шоҳнинг адолати туфайли гўё ёшариб кетди. Халқ орасида “Золи зар”, яъни “Тилла кампир” номи билан шуҳрат

қозонди. Ҳазрат Навоий ўз фикрларини мана бу тарзда хулосалайди:


*Золи фалакдин неча кўрсанг алам,
Шоҳ чу қилур адл, Навоий, не гам?*

Яъни кўҳна фалакдан қанча алам етса ҳам, подшоҳ адолатли бўлса, ғаминг қувончга, аламинг шодликка айланади. Маълумки, ҳазрат Навоий шоҳ Ҳазрат Фозий деганда ўз дўсти, ўша замон ҳукмдори Ҳусайн Бойқарони назарда тутган. Шуни эътиборга оладиган бўлсак, мазкур ҳикоятнинг шунчаки бир афсона ёки тўқиб чиқарилган воқеа эмас, балки тарихий ҳақиқат экани тўғрисида тўхтамга келиш мумкин. Бинобарин, Ҳазрат Навоий "Ҳамса"ни ёзиб тугатгач, бу бе-назир сиймони отга миндириб, ўзи жиловдорлик қилган улуғ ҳиммат эгаси подшоҳнинг шундай йўл тутиши зинҳор таажжубланарли эмас. Бу ҳодиса аждодларимизнинг нечоғлик юксак маънавият соҳиблари бўлгани исботидир.

Ҳазрат Навоийнинг адолат ҳақидаги қарашлари "Маҳбуб ул-қулуб" асарининг "Қуз-зот зикрида" ("Қозилар ҳақида"), "Муфтийи фақиҳлар зикрида" ("Қонуншунос муфтийлар зикрида") сарлавҳали бобларида ҳам таъсирчан ёритилган. Шунинг ўзиёқ буюк мутафаккирнинг жамият ҳаётида адолатнинг тутган ўрнига нечоғлик эътибор кўрсатганига далил бўла олади. Жумладан, муаллиф бундай ёзади: "Қози ислом биносиға арқондир ва мусулмонлар хайр ва шарриға нофизи фармондур". Яъни қози ислом биносининг таянчи ва мусулмонларнинг яхши-ёмон ишлари юзасидан ҳукм чиқарувчидир. Модомики шундай экан, қози (судья) ҳар жиҳатдан бунга муносиб бўлмоғи зарур. Ҳуқуқий билимларни пухта эгаллаш ва унга қатъий амал қилиш соҳа мутахассисларининг муқаддас бурчидир. Энг муҳими, Ҳазрат Навоийнинг таъкидлашича, қози диний ва дунёвий билимларни чуқур эгаллаган бўлиши керак.

Табиатида шахсий манфаатга майл бўлмаслиги, соф кўнгли иккиюзламачилик иллатидан холи, билимдонлигидан ва қалби поклигидан кишилар кўнглида унга ҳурмат ва шуқуҳ, ишга диққат-эътибори ва фаросатидан диёнатсиз ва виждонсизлар юрагида ғам-андуҳ бўлмоғи лозим. Илмда ва унга амал қилишда барчага ўрнатилган бўларли камолот соҳиби бўлсагина қози (судья) тор шахсий манфаатлар исканжасига тушиб қолмайди, ҳар бир ҳукми инсон тақдири билан боғлиқ эканини ҳис қилади. Ўз ишига катта масъулият ва адолат туйғуси билан ёндашади.

Буюк мутафаккирнинг бу борадаги қарашларида ҳуқуқ соҳаси ходими қонун йўлидан бир қадам ҳам тоймаслиги, ҳалоллик унинг учун ҳаётий мезон бўлиши шарт. "Маҳбуб ул-қулуб"нинг "Муфтийи фақиҳ (қонуншунос)лар зикрида" деб номланган бобида қонун ва қонуншунос, инсон ва жамият, адолат ва ҳақсизлик муносабатлари



тўғрисида тафаккурга қувват, руҳга озиқ бўладиган фикрлар баён қилинади. Уларни ўқир экансиз, улуғ бобокалонимиз салкам олти аср нарида туриб, бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган қимматли мулоҳазаларни айтаётганига иймон келтирасиз. Қалбингиз маърифат туйғуси билан мунаввар бўлади. Ҳазрат Навоий фикрича, қонуншуноснинг фикри ғайриқонуний тарафга оғмаслиги, кўнгли хийлагарликдан холи, фикр мезони тўғри, ёзганлари буюк фақиҳлар (қонуншунослар) сўзига мувофиқ келмоғи шарт. Қонуншунос ахлоқсизликдан йироқ бўлиши, жоҳил одамлардек бадкирдор ва шафқатсиз бўлмаслиги, бир танга учун юз ҳақни ноҳақ ва озгина марҳамат учун кўп "йўқ"ни "бор" деб битмаслиги зарур. **Бир сават узум учун бир боғнинг куйиб кетишидан ғам чекмайдиган ва бир ботмон буғдой учун бир хирмоннинг совурилишидан ташвишланмайдиган қонуншунос жамиятга зарар келтиришдан бошқасига ярамайди.**

"Вақфия" асарида ҳазрат Навоий жамият адолатсизликдан, тараққиётга тўсиқ бўладиган турли иллатлардан холи бўлиши зарурлигини куйидагича бадиий талқин этади:

*То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

Ана шу фикрларнинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, Ҳазрат Алишер Навоийнинг адолат мезони юксак бўлган. Унинг учун қонун ҳар нарсадан устун ҳисобланган. Қонун олдида шоҳу фақир ҳам, кекса-ю ёш ҳам, паҳлавон эру, ожиз заифа ҳам тенг саналган. Бу ҳол она заминимизда ўрта асрлардаёқ ҳақиқий демократик жамият ҳукм сурганидан ва улуғ алломалар, ижодкорлар бундай жамиятни улуғлаб асарлар ёзганидан далолат беради. Маълум бўладики, бугунги ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар замини узоқ тарихимизга бориб тақалади. Зеро, қонун ва адолат устувор бўлган жамиятдагина чин маънода юксак тараққиёт юзага келади. Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий сабоқларидан баҳраманд бўлиш барча яхшиликлар ва ютуқлар гаровидир.



Акбар ТОЖИБОЕВ,
Тошкент давлат
юримдик университетини
ўқитувчиси

СТАРТАПЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Бугун ривожланган давлатларда инновацияни тизимли ривожлантиришида махсус дастурлар қабул қилинмоқда. Уларда инновацияни ҳуқуқий таъминлашдан тортиб, давлат томонидан инвестициялашгача бўлган жараёнлар ва моддий асослар батафсил кўрсатиб берилган. Шунга кўра, инновация фаолияти бугунги кунда иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши сифатида кўрилиши ҳамда жаҳонда ўзига хос ривожланиш даражасини англатувчи брендга ҳам айланиб улгурди [1]. Инновация фаолиятининг ажралмас махсус субъектлари бўлмиш стартап компаниялар, кичик инновацион корхоналарнинг қонунчилик базаси бўйича хориж тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, бу соҳада АҚШнинг етакчи эканлигини кўришимиз мумкин. Бу эса, ўз навбатида, мазкур давлатда самарали интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунчилик мавжуд эканлиги билан асосланади.

АҚШда инновациялар иқтисодиётнинг ажралмас қисми сифатида ўрин эгаллаши, кичик ва ўрта тадбиркорлик бўлган стартаплар мамлакатда юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариши ва кўп сонли иш ўринлари яратиши, шунингдек, рақобат муҳитининг федерал органлар томонидан тартибга солиниши турли параметрлар билан ўлчанади. АҚШда стартап соҳасидаги ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий асосларни асосан қонунлар тартибга солади:

1. Патент ва савдо белгиси тўғрисидаги қонун (*Patent and Trademark Law Amendments Act*) ёхуд Бэй-Доул қонуни (*Bayh-Dole Act of 1980*);
2. Стивенсон-Уайдлер қонуни (*Stevenson - Wyder Technology Innovation Act of 1980*);
3. Федерал технологиялар трансфери тўғрисида қонун (*Federal Technology Transfer Act of 1986, FTTA*);
4. Бизнес стартаплар тўғрисидаги қонун (*Jumpstart Our Business Startups Act of 2012 – JOBS*) [2].

АҚШда стартапларни қўллаб-қувватлайдиган институционал-ҳуқуқий ва ташкилий-молиявий чоралар, давлат сиёсатининг тизимли параметрлари мамлакатда инновацион тизимни ривожлантиришдаги асосий факторлар саналади.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ

Муаллифлар ва ихтирочиларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамловчи асосий қоидалар илк бор 1787 йилги АҚШ Конституциясида таърифланган. Шундан сўнг 1963 йилга келиб, АҚШда ҳуқуматнинг патентга оид сиёсати тўғрисидаги биринчи меморандум ва баёнот қабул қилинди. Бунда илмий тадқиқот ишлари соҳасидаги ҳуқуқий механизм федерал контракт тизими кўринишида фуқаролик-ҳуқуқий тусга эга эди [3]. Бугунги кунда АҚШ қонунчилигида технологиялар трансфери ва уларни тижоратлаштириш тартиб-таомилларини белгилайдиган 20 дан зиёд қонун ва АҚШ Президенти актлари бор. Қудратли қонунчилик базасида илмий соҳа билан боғлиқ муаммолар қарийб 4000 та федерал қонун билан тартибга солинади. Масалан, миллий фан тўғрисида 1950 йил, миллий фан ва технологиялар тўғрисида 1976 йил ва шу каби базавий қонунлар мавжуд. Патент ҳуқуқи ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд прецедентлари муҳим роль ўйнайди [4]. АҚШда патентга нисбатан англо-саксон ҳуқуқи концепцияси амал қилади.

АҚШ тажрибасининг муҳим хусусияти шундаки, давлат идоралари ва хусусий фирмалар ўртасида тузиладиган шартномалар иқтисодиётни



тартибга солишда муҳим ўрин тутди. Бу шартномаларга мувофиқ, хусусий фирмалар давлат буюртмасига биноан турли товарлар етказиб бериш ёки бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олади. Кейинги йилларда АҚШ ҳукумати давлатнинг иқтисодиётга таъсирини кучайтириш орқали бир нечта асосий соҳаларда илмий фаолиятни молиялаштира бошлади. Бунда давлат идоралари хусусий фирмалар билан илмий тадқиқот, тажриба конструкторлик ва технология ишларини бажариш учун тузиладиган контрактлар фанга ажратиладиган маблағларни олишнинг асосий ҳуқуқий шакли ҳисобланади [5]. Бу нафақат хусусий секторда илм-фан такомиллига эришишда, балки давлатга қарашли бўлган олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларининг фаолияти ривожига ҳам туртки бўлди. Оқибатда XX асрнинг 80 йилларига келиб АҚШ миллий инновация тизимида университетлар функциясининг янги тури шаклланди. Уларнинг негизиди ёки улар иштирокида инновацион фаолиятни ташкил этишнинг асосий ихтисослаштирилган шакллари ҳисобланган инновацион марказлар, технопарклар, технологиялар трансфери инкубаторлари, инновацион кластерлар ташкил этила бошланди.

1980 йилда университетлар ва корпоратив тадбиркорлик ўртасидаги трансфер “кўприк” вази фасини бажарадиган Патент ва савдо белгилари тўғрисидаги қонун (Patent and Trademark Law Amendments Act), яъни Бэй-Доул қонуни (Bayh-Dole Act of 1980) қабул қилинди. Қонун университетлар, илмий тадқиқот институтлари ва кичик корхоналарга ҳукуматнинг федерал маблағлари ҳисобидан яратилган ихтироларга мулкдорлик ҳуқуқини беради. Унгача федерал ҳукумат фақат федерал капиталлар ҳисобидан молиялаштириладиган ихтироларга нисбатан патент ҳуқуқига эга бўлган. Ҳа ш пайтгача 28 000 патентдан атиги беш фоизи хусусий сектор номига расмийлаштирилган эди [6]. Шу билан бирга Бэй-Доул қонуни асосида университетнинг патентга ва ихтирога бўлган федерал ҳуқуқларини истисно тариқасида университет жамоасига, якка тадқиқотчининг номига ўтказиш ёки университет ва тадқиқотчи ўртасида муайян улушлар ажратишни кўриб чиқиш масаласи университетнинг ўзига топширилди. 1982 йилда қонунга қўшимчалар сифатида Федерал округ апелляция суди (Court of Appeals for the Federal Circuit, CAFC) ташкил этилди ва у соҳадаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган махсус суд ҳисобланади.

Шу билан бирга, янги илмий-техник сиёсатга имплементация қилиш мақсадида Бэй-Доул қонунига қўшимча Миллий кооператив тадқиқотлар тўғрисидаги қонун (National Cooperative Research Act, NCRA-1984) қабул қилинди. Қонун



нинг асосий мазмуни илмий тадқиқот ва илмий ишланмалар бўйича қўшма корхоналарга рақобатга қарши қонунчилик (antitrust law) ни қўллашни чеклашдан иборат [7]. Бу ўз навбатида, мамлакатда илмий тадқиқот ва ишланмаларга ихтисослашган университетлар, консорциумлар иштирокчилари бўлган қўшма корхоналарнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди [8]. АҚШ иқтисодиётининг юксалиши инновацион тизимнинг такомилли сифатида федерал қонунлар билан тартибга солинадиган технологиялар трансфери миллий тизими билан боғлиқ. АҚШда технологиялар трансфери миллий инновацион тизими иштирокчилари ва иштирок этувчилар мақомига қараб икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда лойиҳа ижрочиларидан ташқари давлат идоралари ва бошқа молиялаштирувчи органлар, қонун чиқарувчилар, иккинчи босқичда тадбиркорлар, венчур инвесторлар ва йирик компания ва корпорациялар мақомидаги хусусий секторлар иштирок этади.

АҚШда интеллектуал фаолиятни тижоратлаштириш даври 1980 йилги Технологик инновациялар тўғрисидаги Стивенсон-Уайдлер қонуни (Stevenson-Wylder Technology Innovation Act of 1980) қабул қилиниши билан боғлиқ [9]. Мазкур қонун АҚШда технология трансфери тушунчасини ва қўлланилишини очиб берадиган дастлабки ҳужжат саналиб, федерал лабораториялар технология трансферларини нодавлат компанияларига ўтказиш чораларини енгиллаштириш ва федерал лабораториядан фойдаланиш чораларини белгилаб беради [10]. Технологик инновациялар тўғрисидаги Стивенсон-Уайдлер қонунидан кейин технологиялар трансфери тизimini такомиллаштириш мақсадида 1986 йилда “Федерал технологиялар трансфери тўғрисида”-ги (Federal Technology Transfer Act, FTTA) [11] қонун қабул қилинган. У асосан федерал, яъни миллий лабораторияларнинг ҳуқуқий мақомига бағишланган. Мазкур қонун федерал лабора-

торияларга университетлар, хусусий мувофиқ ва нотижорат компаниялари билан қўшма (“кооператив”) тадқиқотлар олиб бориш ва илмий ишланмалар яратишда қатнашиш ҳуқуқини кафолатлади. Қонунга кўра университетларнинг федерал лабораториялар билан тузилган кооператив битимларига мувофиқ илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари натижасида вужудга келадиган ихтироларга нисбатан мулк ҳуқуқи университетларда қолдирилиши белги-ланди [11]. Қонун федерал лабораторияларнинг илмий-технологик ресурсларидан фойдаланиш учун имконият яратди. Қолаверса, унинг асосий мазмуни давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, олимлар ва улар яратаётган тузилмалар фаолиятининг тижорат хусусияти кучайганлигини ифодалайди.

Стартаплар фаолиятининг асосий қисми шартномалар, патент, лицензия ва технологиялар трансфери билан чамбарчас боғлиқ. Университетларда, илмий тадқиқот институтларида стартапларни йўлга қўйиш, шакллантириш ва қўллаб-қувватлашда АҚШнинг самарали ва ижобий механизмларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиниши келажакда давлат тасарруфидаги олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларида ҳам стартаплар вужудга келиши салмоғи ва таъсири-нинг ошишига сабаб бўлади.

СТАРТАПЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

АҚШ ҳукумати инновацион ғоялар ва стартап-ларни йўлга қўядиган кичик ва ўрта бизнесни қонун доирасида тўлиқ ҳимоя қилади ҳамда улар айнан кичик ва ўрта бизнес синфига мансуб саналади. 2012 йил АҚШда кичик ва ўрта бизнесни краудфандинг (халқ томонидан молиялаштириш) орқали молиялаштириш механизмларини

акс эттирувчи “Бизнес стартаплар тўғрисида”ги (Jumpstart Our Business Startups Act – JOBS act) қонун қабул қилинди [12]. JOBS қонуни билан стартаплар фаолиятини муқобил молиялаштириш нормалари белгилаб берилди:

1. Қонун акциядорлик краудфандинг платформаси ва аккредитациядан ўтмаган инвесторлар учун татбиқ этилади.

2. Қонунга кўра краудфандинг ёрдамида инвестиция сўровчи стартап компаниялар АҚШ Қимматли қозғозлар комиссияси (US. Securities and Exchange Commission) ва рўйхатдаги брокерлар томонидан тасдиқланган платформалар орқали операцияларни амалга оширишга ҳуқуқли. Бунда стартап компаниялар “ривожланаётган компания” (“emerging growth company”) талабига жавоб бериши лозим. Ривожланаётган компания талабига мос бўлиши учун стартаплар сўнги фискал йилги даромадлари 1 миллиард АҚШ долларидан кўп бўлмалиги белгиланган.

3. Стартапларни молиялаштириш эса “ривожланаётган стартап компания” (“emerging growth company”) томонидан ўзига қарашли бўлган оддий қимматли қозғозларни АҚШ Қимматли қозғозлар комиссияси (US. Securities and Exchange Commission) ва рўйхатдаги брокерлар томонидан тасдиқланган платформаларга дастлабки оммавий таклиф (IPO) сифатида жойлаштириш орқали амалга оширилади. Табиийки, ушбу ҳолларда стартап компаниялар қимматли қозғозлар эмиссияси ҳуқуқига эга бўлган акциядорлик жамиятлари (Joint venture – JV) ва масъулияти чекланган жамиятлар (limited liability company – LLC) шаклида ташкил этилади.

4. Ҳар бир краудфандинг учун қўйилган лойиҳа 12 ой мобайнида сон жиҳатидан чекланмаган инвесторлар томонидан 1 миллион АҚШ долларигача бўлган суммани йиғиши мумкин. Лекин лойиҳа доирасида инвесторлар капитали суммасига нисбатан тақиқлар мавжуд. [13].

Стартапларнинг ташкилий тажриба ва кўникма жиҳатдан ривожланишида стартап инкубатор, стартап акселератор, ментор каби институтларнинг пайдо бўлиши АҚШ инновация бозорида тез суръатларда ривожланишига замин яратди. Миллий инновацион тизимнинг шаклланиши бугунги кунга келиб стартапларни чиқариш ва йўлга қўйиш тизимида АҚШда қатор университетлар ҳузур-ида стартап инкубаторлар, стартап акселераторлар ташкил қилинишига сабаб бўлди. Дастлабки бизнес-акселератор 2005 йилда Пол Грем то-

**Жоҳилга бошлиқ
бўлгандан,
Донога хизматкор
бўлган яхши.
Озарбайжон
мақоли**

монидан асос солинган Y Combinator институти саналади. Акселерация дастури шу вақтга қадар 2000 дан ортиқ лойиҳаларга хизмат кўрсатган ва умумий дастурда қатнашган стартапларнинг қиймати 155 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бир қаторда Массачусетс шта-тидаги “Route 128” технологик жамияти, Коло-радо университети ва унинг “TechStars” номли стартап-акселератор дастури, Шимолий Каро-лина штатидаги “LaunchBoxDigital” ва “Research Triangle Park” каби стартап инкубаторлар, Нью-Йорк политехника институти ва унинг “NYU-Poly” номли стартап-акселератор стартапларни ҳар соҳада қўллайдиган мустақил тузилмалар самарали фаолият олиб бормоқда.

СТАРТАПЛАРНИ ҚўЛЛАБ-КУВВАТЛАШДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ

АҚШ томонидан кичик тадбиркорлик соҳа-сида инновацион ғояларни, шу қатори стартап-лойиҳаларга кўмаклашувчи Кичик бизнес ин-новацион тадқиқот (Small Business Innovation Research (SBIR)), Кичик бизнес технология транс-фери (Small Business Technology Transfer (STTR)) ва Федерал ва давлат технологик ҳамкорлиги (Federal and State Technology Partnership (FAST)) каби Кичик бизнес администрацияси (US Small Business Administration) томонидан бошқарила-диган давлат дастурлари мавжуд. Кичик бизнес инновацион тадқиқот (Small Business Innovation Research (SBIR)) дастурида стартаплар қатнаши-ши учун қуйидаги талабларга мос келиши шарт:

- *стартап компания АҚШ ҳудудидида ўз фаолиятини олиб бориши;*
- *стартап компания капиталидаги 50 фоиздан кўпроқ улуш АҚШ резидентига те-гишли бўлиши;*
- *стартап компания ишчилари сони 500 кишидан ошмаслиги [14].*

Дастур доирасида стартаплар 150 000 АҚШ доллари миқдоригача бўлган суммада олти ойдан бир йилгача бўлган муддатларда молия-лаштирилади. Кичик бизнес технология транс-фери (Small Business Technology Transfer (STTR)) дастурида қатнашиш учун ҳам стартап компания-лар Кичик бизнес инновацион тадқиқот (Small Business Innovation Research (SBIR)) учун қўйил-ган талабларга мос келиши қайд этилади. Лекин, SBIR дастуридан фарқли равишда STTR дастури-га стартап компаниялар билан бирга нотижорат коллеж ва университетлар, миллий нотижорат илмий ташкилотлар ва Ҳукумат томонидан мо-лиялаштириладиган Илмий марказлар (Federally funded R&D center (FFRDC)) нотижорат илмий институтлар шаклида қатнаша олади. Ушбу ҳо-латда стартап компаниялари билан нотижорат илмий институтлар ўртасида интеллектуал мулк-

ка бўлган, шунингдек, илмий иш натижалари ва уларни тижоратлаштиришга бўлган ҳуқуқларни ифодаловчи битим тузишлари зарурий талаблар-дандир. Мазкур дастур иштирокчилари 2 йил давомида 1 миллион АҚШ доллари миқдориди молиявий кўмак тақдим этиши керак. Қолаверса, молиявий маблағ шаклида бўлмаган фақат ма-лакали экспертлар томонидан маслаҳатлар ҳам дастурда кўрсатиб ўтилади. Ушбу дастурлар ке-симиди молиялаштирилган стартап компанияла-рига маблағлар давлат томонидан текинга ҳада қилинади [15].

Ушбу тажрибадан келиб чиқиб, дунёдаги аксар давлатлар ўз стартап фаолиятини жон-лантириш орқали тадбиркорлик сегментини ку-чайтирмоқда. АҚШ тажрибасини ҳисобга олиб, давлатларда инновацион ҳамда стартап соҳа-сига йўналтирилган норматив ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Мамлакатимизда ҳам АҚШнинг ин-новацион фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқ тизимини ўзлаштириш зарурати мавжуд. Табиийки, бу ёндашув орқали илмий-техника ва инновацион фаолият соҳасидаги ҳуқуқ ижод-корлиги юксалади ва давлатимизда инновацион стартаплар сони кескин ошади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Имомов Н.Ф. Нанотехнологияларнинг ҳуқуқий асослари. –Т.: Адолат. ТДҶОУ, 2015. – Б.100.
2. <https://www.sec.gov/spotlight/jobs-act.shtml>
3. Robert Cooter, Aaron Edlin, Robert E. Litan, and George L. Priest. The Importance of Law in Promoting Innovation and Growth // Rules for Growth. Kansas. 2011. – Б. 6-7.
4. Аҳмедов А. Инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш. Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2017.
5. Блинова Е.В., Кошелюк Б.Е. Договор поставки товаров для государственных нужд. Монография. Издательство “Проспект”, 2017 г. –ст.152. ISBN 5392261418, 9785392261413
6. Duecker K. Biobusiness on campus: Commercialization of university-developed biomedical technologies // Food and Drug Law Journal. 52. 1997. P. 453–510.
7. National Cooperative Research Act of 1984. Office of General Counsel. The Catholic University of America. Summary of Federal Laws, Miscellaneous Laws Affecting Universities: <http://counsel.cua.edu/fedlaw/Ncra.cfm>.
8. Scott J. T. The National Cooperative Research and Production Act. Issues in Competition Law and Policy (ABA Section in Antitrust Law 2008). Vol. 2. Ch. 54. 2008. P. 1297–1317.
9. Jolly, J. A. (1981-09-30). “The Stevenson Wylder Technology Innovation Act of 1980 public law 96-480 – Springer”. The Journal of Technology Transfer. 5: 69–80. doi:10.1007/BF02173394.
10. Gerhard Peters; John T. Woolley. “Jimmy Carter: “Stevenson-Wylder Technology Innovation Act of 1980 Statement on Signing S. 1250 Into Law” October 21, 1980. The American Presidency Project. University of California - Santa Barbara. Retrieved 15 May 2013.
11. Federal Technology Transfer Act of 1986 (FTTA), Pub. L. № 99–502 (1986), amending the Stevenson-Wylder Technology Innovation Act of 1980, Pub. L. № 96–480.
12. Thursby J. G., Jensen R., Thursby M. C. Objectives, characteristics, and outcomes of university licensing: A survey of major U.S. universities // Journal of Technology Transfer. 26. 2001. P. 59–72
13. Қапан: <https://www.sec.gov/spotlight/jobs-act.shtml>
14. Gilinsky D. Regulation of Crowdfunding in the UK, US and Israel – A Comparative Review. London, 2016, November 9.
15. <https://www.sbir.gov/about>



Одилжон СУЛАЙМАНОВ,
Судьялар олий мактаби
бош мутахассиси,
юримдик фанлар номзоди,
доцент

СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг таклифига мувофиқ 2019 йилнинг 19-25 сентябрь кунлари БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллигини таъминлаш бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг Ўзбекистонга таширифи амалга оширилди. Махсус маърузачи ўзининг дастлабки мулоҳазаларида Судьялар олий кенгаши ва унинг аъзоларини танлаш, тайинлаш тартибини халқаро ҳуқуқ стандартларига мослаштириш бўйича ўз таклиф ва тавсияларини билдирган эди.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида “Кенгаш раис, раис ўринбосари, унинг аъзолари ва котибидан — жами йигирма бир нафар кишидан иборат таркибда судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан шакллантирилади” – деб белгиланган. Судьялар мақоми тўғрисидаги Европа хартиясининг 1.3-бандида судьяларни танлаш, ишга қабул қилиш, тайинлаш, хизматни ўташ ёки судья ваколатларини тугатиш масалалари бўйича ҳар қандай қарорлар қабул қиладиган кенгашлар таркиби ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлардан мустақил бўлган, судьялар томонидан судьяларнинг кенг вакилликни кафолатлаш мақсадида сайланиши лозимлиги алоҳида қайд этилган.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддаси 2-хатбосида Кенгаш раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг такдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан тайинланиши назарда тутилган бўлсада, лекин Кенгаш раислигига номзодни танлаб олиш тартиби ва номзод қайси талабларга жавоб бериши кераклиги тўғрисидаги мезонлар кўрсатилмаган.

Бундан ташқари, ушбу модданинг 4-хатбосида Кенгашнинг ўн бир нафар аъзоси Кен-

гаш раисининг такдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан судьялар орасидан, 3-хатбосида эса Кенгаш раисининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланиши кўрсатиб ўтилган. Аммо, бу ўринда ҳам Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига номзод Президентга ким томонидан ва қандай тартибда такдим этилиши қонунда очиқ қолдирилган.

Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига номзодни Президентга такдим этиш масаласи “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорида “Олий мактабга Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисининг такдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади” деб белгиланган.

Кенгаш котиби ва унинг етти нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан тасдиқланади деб белгиланган бўлсада, қонунда ушбу мутахассисларни қайси мезонлар асосида танлаб олиниши тўғрисидаги масалалар аниқ кўрсатилмаган, уларни аниқлаштириш лозим. Кенгашнинг қолган саккиз нафар аъзоси, шу жумладан Кенгаш раисининг ўринбосари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга ошириши белгиланган. Юқоридаги каби жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган мутахассисларга қўйилган мезонлар ҳам қонунда белгиланмаган. Жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган мутахассисларни танлаб олишга қўйиладиган мезонларнинг аниқ белгиланмаганлиги, етарли-



ча кўникма ва малакага эга бўлмаган мутахассисларнинг Кенгаш аъзоси бўлишига олиб келиши мумкин. Халқаро стандартларга мувофиқ, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган Кенгаш аъзоларини сайлашни имкони борича сиёсий бўлмаган органга бериш тавсия этилади. Ушбу аъзолар ҳеч бир ҳолатда ижро этувчи орган томонидан танланиши ёки тайинланиши мумкин эмас. Бундан ташқари, бир қатор халқаро ҳужжатларда судьялар кенгашлари таркибини шакллантиришнинг ҳар қандай босқичида ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлар вакиллари иштироки қўллаб-қувватланмайди.

Қонунда Судьялар олий кенгаши таркибини шакллантиришда судьялар корпуси иштироки чекланган. Кенгашнинг таркибини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентига муҳим ваколат берилганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Конституциянинг ушбу моддасига мувофиқ Президент ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият таркибига кирмайди, шу сабабли Президентга давлат бошлиғи сифатида судьялар корпусини шакллантиришда муҳим ваколатлар берилган.

Қонунга мувофиқ Кенгаш аъзоларининг танланиши масаласи Кенгаш раисининг мутлақ ваколати ҳисобланади. Фақатгина Кенгаш раиси ким Кенгашнинг аъзоси бўлишини ҳал қилади ва Президентга тақдим этади. Халқаро ҳужжатларга мувофиқ Судьялар кенгаши аъзолари судьялар томонидан сайланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўзбекистонда Кенгаш аъзоларининг шакллантирилишида судьялар корпуси иштирок этмаслиги баъзи бир эътирозларга сабаб бўлади.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасига асосан Кенгаш аъзоси беш йил муддатга тайинланади (тасдиқланади). Кенгашнинг ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи аъзоси сурункасига икки муддатдан ортиқ тайинланиши (тасдиқланиши) мумкин эмас, деб белгиланган. Бироқ, Кенгашнинг жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи вакиллариининг қайта тайинланиши масаласи қонунда кўрсатилмаган.

Кенгашда ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи аъзосининг кейинги муддатга қайта тайинланиши масаласи уни тайинлаган органга нисбатан Кенгаш аъзоларининг садоқатини намоён этиши мумкин, шу сабабли бу тизим мақбул ҳисобланмайди. Узоқроқ муддатга тайинлаш, қайта тайинлашдан мақбулроқ ҳисобланади, чунки узоқ муддатга тайинлаш Кенгаш аъ-



зосининг мустақиллигини яхшироқ таъминлайди. Бир қатор хорижий давлатлар тажрибасида ҳам Кенгашнинг ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи аъзоси бир муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги тартиб ўрнатилган. Баъзи хорижий давлатлар амалиётида судьялар кенгаши аъзоларнинг қайта тайинланишини кўришимиз мумкин, лекин уларнинг барчасида аъзоларнинг номзоди судьялар томонидан тақдим қилинади.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 30-моддасига асосан Кенгаш аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш белгиланган. Унга кўра, Кенгаш аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш қуйидаги ҳолатларда амалга ошиши мумкин: ваколатини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ариза берганда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда, ўз фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлар пайдо бўлганда, белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганда, вафот этганда ёки суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилинганда, унга нисбатан суднинг айблов ҳукми кучга кирганда, ўзининг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган хатти-ҳаракатлар содир этганда.

Шунингдек, ушбу модданин 3-хатбошида “ўз фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлар пайдо бўлганда” Кенгаш аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиши тўғрисидаги қоида белгиланган. Худди шундай қоида Қонуннинг 20-моддасида судьялик лавозимларига номзодлар захирасидан чиқаришга асос сифатида ҳам кўрсатилган. Ушбу ҳолатда, Кенгаш аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш учун айнан қайси касалликлар ва жисмоний нуқсонлар тўсқинлик қилиши аниқ белгиланмаган. Қонуннинг 23-моддасида судьялик лавозимига номзоднинг тиббий текширувдан ўтказилиши назарда тутилган. Унга кўра, судьялик лавозимига номзодда одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликлар ёки жисмоний

нуқсонлар мавжуд эмаслигини тасдиқлаш учун у дастлабки тиббий текширувдан ўтказилади. Одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликларнинг ва жисмоний нуқсонларнинг рўйхати Кенгаш ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма қарори билан тасдиқланади. Одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликлар ва жисмоний нуқсонлар йўқлиги ҳақидаги ҳужжатнинг шакли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланиши белгиланган. Мазкур Қонуннинг 30-моддаси охири хатбошисида назарда тутилган “ўзининг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган хатти-ҳаракатлар содир этганда” ифодаси кенг ва умумий тушунча ҳисобланиб, қонунда уни аниқлаш мезонлари кўрсатилмаган. Бу ноаниқлик ушбу нормани бошқача талқин этилишига олиб келиши мумкин.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси-ни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 40-бандида назарда тутилган судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича вазифаларни ижро этишга оид қуйидаги таклиф ва тавсияларни билдириш мақсадга мувофиқ:

— Судьялар олий кенгаши таркиби судьялар корпуси томонидан демократик принциплар асосида сайланадиган аъзолардан шакллантирилиши, Судьялар олий кенгаши раислигига номзодни танлаб олиш, номзод қайси талабларга жавоб бериши мезонлари ҳамда судьялар корпуси томонидан сайланган аъзолар ичидан сайланиши, Кенгаш раиси ўринбосари Судьялар олий кенгаши раисининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиши тўғрисидаги нормани “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунда белгилаш ва ушбу қонуннинг 5-моддасида кўрсатилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари кенгаш таркибидан чиқариб ташлаш, (ҳалқаро стандартларга мувофиқ бу каби кенгашлар таркибида ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият вакиллари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари бўлиши мақсадга мувофиқ эмас), Кенгаш таркиби ва уни шакллантириш мезонларини ишлаб чиқиш, жамоатчилик асосида фаолият юритадиган мутахассисларни танлашнинг ҳам аниқ мезонларини белгилаш.

Кенгаш таркиби етарлича билим ва кўникмага эга, ҳар томонлама малакали ва тажрибали мутахассислардан иборат таркибда шаклланишига олиб келади.

**Азизбек АСАДОВ,
Ғиждувон туманлараро
иқтисодий суди девонхона
мудир:**



– Бугунги Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида инсон манфаатларини амалда таъминлаш ўзига хос мазмун касб этди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш мустақил, ҳолис суд ҳокимияти орқали амалга оширилади. Шу боис, Давлатимиз раҳбари судьялар мустақиллигини таъминлаш орқали одил судловнинг самарадорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хусусан, 2020 йил 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида суд амалиётидаги муаммо ва камчиликларни танқидий таҳлил қилиб, “Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак. Бу Президент талаби!” дея судьялар ва суд тизими ходимларининг олдига катта вазифа қўйди. 2020 йил 24 июль куни Президентимиз томонидан имзоланган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон мазмун-моҳиятини ҳам юқорида айтиб ўтилган камчиликларни тuzатишга қаратилганлиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фармонда Олий суд, Судьялар олий кенгаши, қолаверса, судьялар ҳамжамиятига икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий малака ҳайъатининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьялари малака ҳайъатларининг қарорлари устидан Судьялар олий кенгашига шикоят қилиш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ янги тартиб жорий этилиши борасида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Судьялар ҳамжамиятининг ягона конституциявий органи бўлган Судьялар олий кенгашига шикоят қилиш ҳуқуқининг берилиши демократик принципларга тўла мос келади. Бунда туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибида қайта кўриб чиқиш, апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида кўриб чиқилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурор ва ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибида тақроран кўриб чиқиш тартибларининг киритилиши, одил судловга эришиш даражасини оширади.

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ: ҚОНУНЧИЛИК ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Давоми, боши ўтган сонда

Давлат эҳтиёжлари учун чет элдан товарлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатишни зиммасига олган давлат хариди ижрочилари пандемия шароитида ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинмаганлиги намоён бўлди. Чунки, давлат хариди ижроси хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотни етказиб бериш бўйича шартномага эга бўлса ҳам, товарларнинг чиқиб кетишида айрим чекловлар ўрнатилган.

Давлат харидлари ижрочилари учун хориждан келадиган товарлар билан боғлиқ энг катта муаммо – бу эпидемиологик вазият туфайли маҳсулот етказиб берувчилар давлат харидлари тўғрисидаги шартнома ижросини таъминлай олмаётганлигидир. Пандемия шароитида давлат харидлари ижросини таъминлаш ёки бошқа зарарли оқибатларни олдини олиш мақсадида қарздорнинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши билан боғлиқ истисно ҳолатни давлат харидларига оид муносабатларда назарда тутилганлигидир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддаси 3-қисмига кўра, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади. Қарздорнинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, қарздорда зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги бундай вазиятлар жумласига кирмайди.

Давлат харидлари тўғрисидаги битимларда одатда форс-мажор ҳолатида шартнома шартларини ўз муддатида бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этишни назарда тутувчи келишув мавжуд бўлади. Бироқ, ушбу келишувга тарафлар келишмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунида махсус норма назарда тутилган бўлиш лозим. Товарларни (ишларни, хизматларни) давлат буюртмачилари томонидан харид қилишда форс-мажор ҳолатларининг оқибатларини назарда тутувчи махсус нормаларнинг мавжуд эканлиги давлат харидлари субъектлари ўртасидаги низони бир хилда ва тўғри ҳал этишга имкон яратади. Яна бир масала, қонунчиликда форс-мажор ҳолатлари давлат харидлари тўғрисидаги шартномага ўзгартириш киритиш асосларидан бири эканлиги белгиланмаган. З.Мадибаеванинг фикрича, форс-мажор ҳолатларининг вужудга келиши, ўз навбатида, шартнома мажбуриятларининг ижроси тўхтатилишига ҳам олиб келади. Шу сабабли қонунчиликда давлат буюртмаларига нисбатан форс-мажор ҳолатлари мавжуд бўлганда шартномани ўзгартириш асосларидан бири сифатида назарда тутилиши лозим. Бу эса шартнома томонларига унинг шартларини ҳеч қандай зарар кўрмасдан ижро этилишини таъминлайди¹.

Э. Мазурова ва А. Сафинларнинг фикрича, енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари рўй берганда тарафларга бир томонлама тартибда шартнома шартларини ўзгартиришни талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд эмас. Шартнома нархи, тўловни амалга ошириш шартлари ва усулларини (ва ҳ.к.) ўзгартириш мумкин эмас. Уни бажариш муддатлари сурилиши мумкин ва у ҳам бўлса – фақат форс-мажор ҳолатининг амал қилиш муддатида. Пандемия тугагандан кейин шартномани бажариш имконияти мавжуд бўлса, тарафларнинг мажбуриятлари тўхтатилиши мумкин эмас. Тўғри, тарафлардан ҳеч бири, форс-мажор ҳолати туфайли юзага келган муддат



**Маликахон
ҚАЛАНДАРОВА,**

*Судьялар олий
мактаби Иқтисодий
ҳуқуқ кафедраси
мудир, юридик
фанлар номзоди*

ўтказиб юборилиши оқибатида унинг шартномага бўлган қизиқиши йўқолган тақдирда, шартномадан воз кечиш ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган. Бу ерда қизиқиш йўқолганлигини ҳам исботлаш лозим бўлади. Қарздор ўз шартномалари бўйича муаммоларни ҳал этишда етказиб берувчи ёки пудратчининг айби билан юзага келган муаммоларга ҳавола келтириши шарт эмас. Контрагентларда юзага келган мураккаблиklar форс-мажор ҳолати деб тан олиниши мумкин эмаслиги қонунчиликда мустаҳкамланган. Бунинг устига республикадаги битимлар бўйича “ФОРС-МАЖОР” сертификатини олиб бўлмайди. Шу сабабли контрагентга таъсир кўрсатадиган чеклов чоралари бошқа битимлар учун оқлаш бўлиб хизмат қилмайди².

Давлат харидлари бевосита бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг аниқ йўналтирилганлиги ва мақсадлилиқ хусусиятини инобатга олган ҳолда, эпидемия ҳолатларини шартномани ўзгартириш асоси сифатида киритилиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, давлат эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларида давлат буюртмачисининг харид қилиш тартиб-таомилига нисбатан иштирокчилар томонидан таклифларнинг гаров, кафолат, закат тарзида ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усулларда таъминланиши зарурлиги тўғрисида талаб белгилашга ҳақлилиги назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 32-моддасига кўра, давлат буюртмачиси таклифни таъминлаш суммаси тўланишини қуйидаги ҳолатларда қайтарилишини таъминлайди: таклифни таъминлашнинг амал қилиш муддати тугаганда, давлат харидлари тўғрисидаги шарт-

номанинг кучга кириши ва бажарилишининг таъминланиши, агар бу давлат хариди шартларида талаб этилса, давлат харидларининг бекор қилиниши, таклифлар юборишнинг охириги муддати тугагунига қадар таклифнинг чақириб олиниши, агар давлат хариди шартларида бундай қайтариб олишга йўл қўйилмаслиги айтиб ўтилмаган бўлса³.

Россия Федерациясининг қонунчилигига кўра, форс-мажор ҳолатлари давлат харидлари тўғрисидаги шартнома тузилгунга қадар юз берса ва иштирокчилар томонидан таклифлар пул маблағлари кўринишида таъминланса ҳамда бу ҳолат 30 кунлик муддатдан ошганда, иштирокчига пул маблағлари қайтариб берилиши ва танлов ўтказилмаган деб топиллиши асосларидан бири бўлиб ҳисобланади⁴. А. Агеева, К. Пауловларнинг фикрича, давлат харидларини амалга оширишнинг мазкур босқичида энгиб бўлмайдиган ҳолатлар юз берганда банк кафолатини тақдим этиш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади⁵. Давлат харидлари билан боғлиқ шартномаларни тузишда форс-мажор ҳолатлари тугагунга қадар давлат харидлари ижросидан таклифни таъминлашдан озод этишга оид талабни бекор қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Яна бир ҳолат, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлигининг 2018 йил 15 майдаги 185-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 238-бандига кўра, харид қилиш тартиб-таомили натижаси бўйича тузилган шартномага қўшимча келишув унинг муҳим шартларини ўзгартирмаса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилиши мумкин⁶.

Айталик, давлат харидлари тўғрисидаги шартномани тузиш жараёнида шартномада назарда тутилган шартларда маҳсулотларни етказиб беришнинг пандемия ҳолати туфайли имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, қонунчиликда шартноманинг муҳим шартларидан бири ҳисобланган шартнома баҳосини ваколатли органни ёзма равишда хабардор этган ҳолда тарафлар ўртасида шартномага ўзгартириш киритилишига оид норманинг мустаҳкамланганлиги, келгусида тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг шартларини жиддий равишда бузиш каби салбий оқибатларнинг олдини олишга хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, пандемия шароитида давлат харидлари иштирокчилари шартнома ижросини таъминлаш билан боғлиқ муаммо-



ларга дуч келмоқда. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2020 йил 28 апрелдаги 8-сонли қарори билан мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик масаласини ҳал этишда (“неустойка” ундириш, зарарларни қоплаш, шартномани бекор қилиш ва бошқалар) мажбуриятларни бажармаслик сабабларини аниқлаши, агар мажбуриятни бажариш ёки лозим даражада бажариш карантин жорий этилиши туфайли мумкин бўлмаганлиги аниқланганда, талабни қаноатлантириш рад этилиши лозимлиги юзасидан тушунтириш берилган. Халқаро савдо палатасининг “Форс-мажор ҳақидаги (жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги) қўшимча келишуви”га кўра, тарафлар шартномани ижро этиб бўлмастикни исботлаган тақдирда, шартнома шартларини бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этилиш шартлари назарда тутилган⁷. Форс-мажор ҳолати юз берганлиги сабабли “неустойка” шаклидаги жавобгарликдан озод этишда ушбу ҳолат шартномани ижро этишга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатган ва шартномани ижро этувчи томон бу ҳақда бошқа тарафни огоҳлантирганлиги асос бўлиб ҳисобланиши лозим. Шу сабабли, давлат харидлари тўғрисидаги шартномаларда тарафларни бартараф этиб бўлмайдиган молиявий қийинчиликларга дуч келишининг олдини олиш мақсадига форс-мажор ҳолатлари юзасидан хабар бериш муддатини қатъий назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Яна бир жиҳат, пандемия шароитида харид қилиш тартиб-таомилларига риоя этиш алоҳида ўрганилиши талаб этилади. Форс-мажор ҳолатида давлат харидлари тўғрисидаги шартномани электрон дўкон, бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион, танлов, тендер шаклида ўтказиш орқали тузиш кўп вақт талаб этади. Шу сабабли, форс-мажор ҳолатида ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари тизимидан фойдаланишнинг янги механизмларини давлат буюртмачисининг ўз олдидан турган вазифаларни ҳал этишни таъминлайдиган ҳақиқий талаблари ва эҳтиёжларини самарали қаноатлантириш учун давлат харидларини ўтказишнинг зарурлиги, товарни (ишни, хизматни) танлаш, унинг истеъмол хусусиятлари (тавси-



фи) нинг сифат кўрсаткичи ва қийматининг асосланганлигини ҳисобга олиб амалга оширилиши билан боғлиқ хусусиятларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш лозим. Форс-мажор ҳолатида харид тартиб-таомилнинг туридан қатъи назар шартномани имзолашдан бош тортиш, давлат харидлари нормалари келгусида давлатнинг эҳтиёжи йўқолган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг асосиз етказилиши ва бюджет маблағларининг мақсадсиз ишлатилишига олиб келади.

Умуман олганда, пандемиянинг ҳали тўла ўрганилмаган асоратларини бартараф этиш ва иқтисодийнинг барча тармоқларида барқарорликни таъминлашга қаратилган оқилона фаолият олиб борилишини талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

3. Мадыбаева /Государственные закупки и обстоятельства непреодолимой силы (форс мажор) / [Электронный ресурс]. — Режим доступа: URL: <https://online.zakon.kz>
2. Э.Мазурова, А.Сафин / “ФОРС-МАЖОР” ҳақида ўнта янглиш фикр [Электронный ресурс]. — Режим доступа: URL: <https://norma.uz>
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.04.2018 й., 03/18/472/1050-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон)
4. Федеральный закон РФ от 05.04.2013 п 44-ФЗ (ред. от 24.04.2020) “О контрактной системе в сфере закупок товаров, работ, услуг для обеспечения государственных и муниципальных нужд” // pravo.gov.ru
5. А.К.Агеева, П.А.Паулов // Форс-мажорные обстоятельства и их влияние на процесс закупок// Международный журнал гуманитарных и естественных наук 4-2 (43) 2020. [Электронный ресурс]. — Режим доступа: URL: <https://cyberleninka.ru>
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.05.2018 й., 10/18/3016/1279-сон; 22.04.2019 й., 10/19/3016-1/2984-сон; 04.07.2019 й., 10/19/3016-2/3379-сон; 13.04.2020 й., 10/20/3016-3/0460-сон)
7. Галкин И.В. Системные риски как источник обстоятельств непреодолимой силы (форс-мажора): к проблеме нормативной квалификации// Государственное управление. Электронный вестник. - 2017. - №64.



Хуршида ҚУРБОНОВА,
Фуқаролик ишлари
бўйича Тошкент шаҳар
суди судьяси

УЙ-ЖОЙ НИЗОЛАРИ: СУД АМАЛИЁТИ, МУАММО ВА ЕЧИМ

Бугунги кунда уй-жой низоларининг энг кўп учраётган тури, уйга киритиш ва фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш ҳақидаги низодир. Бу ҳолат Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2018 ва 2019 йиллардаги статистик ҳисоботи билан ҳам ўз тасдиғини топган. Бундай тоифадаги фуқаролик ишларини кўришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Хусусан, уйга киритиш ҳақидаги даъво ариза бўйича фуқаролик ишини муҳокамага тайёрлашда судья, аввало, қўйидаги процессуал ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

Томонларнинг ҳуқуқий муносабатларида уларнинг талаб ва эътирозларини асословчи далиллар, зарур бўлган бошқа ҳужжатларни ўз вақтида суд мажлисига тақдим этиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, уйнинг кадастр ҳужжати, уй дафтари, Форма-17 карточкаси, низоли уйда кимлар яшаши ва рўйхатда туриши ҳақидаги маълумотномалар талаб қилинади. Шунингдек, иштирокчилар, низоли уйда яшовчи ва рўйхатда турувчи шахсларни жалб этиш, ишга дахлдор бўлмаган тарафни тегишли тараф билан алмаштириш, олди-сотди шартномаси, ижара шартномаси, томонларни яраштириш чоралари, ҳар икки тарафга маъқул келадиган ва уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид бўлмаган келишув битими тузиш ва иштирокчиларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш керак.

Бундан ташқари, судлар уй-жой низоларини ҳал этишда унинг ҳуқуқий мақомини, хусусий ёки давлат уй-жой фондига тегишлилигини аниқлаши лозим. Мулкдор, унинг оила аъзолари, ижарачи ва унинг оила аъзолари ўртасида уй-жой масаласида келиб чиққан низолар (уйга киритиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш, уйдан

кўчириш) албатта, суд тартибида ҳал қилинади ва мазкур тоифадаги ишларни кўришда низоли уйда яшовчи вояга етган барча шахслар тегишлилигича ишга жалб қилиниши лозим. Уйга яшаш учун киритиш ҳамда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш тўғрисидаги даъволарни ҳал этишда суд турар жойга даъво қилувчи шахс Уй-жой кодексининг 32-моддаси 2, 3-қисмларида санаб ўтилган шахслар таркибига кириш-кирмаслигини ёки унинг уйда яшашининг бошқа асосларини, яшамаслиги сабабларини ва даъвони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган ўзга ҳолатларни ҳам аниқлаши керак.

Мулкдорнинг оила аъзолари, деб хотини (эри) ва уларнинг фарзандлари тан олинади. Эр-хотиннинг ота-онаси, мулкдор билан доимий яшаётган оилали фарзандлари, меҳнатга қобилиятсиз боқимандалар, шунингдек, мулкдор билан доимий бирга яшаётган фуқаролар, агар улар мулкдор билан умумий хўжалик юритаётган ва рўйхатдан ўтган бўлса, мулкдорнинг оила аъзоси, деб топилиши мумкин. Мулкдорга нисбатан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топишга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, амалиётда нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган уй-жойга оид низолар ҳам кўп учрамоқда. Бу тоифадаги ишларни кўришнинг ҳам ўзига хос хусусияти мавжуд. Жумладан, нотариал тартибда тузилган уй-жой шартномасида сотувчи ва унинг оила аъзоларининг турар жой рўйхатидан чиқиб кетиш муддати кўрсатилган бўлса, шу муддат тугаган кундан, муддат кўрсатилмаган бўлса, шартнома тузилган кундан эътиборан улар турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган ҳисобланади. Судья ишни етарли даражада тайёрланган деб топса, уни суд мажлисида кўришга тайинлайди ва бу ҳақда ажрим чиқаради. Ўз навбатида, ишда иштирок этувчи шахсларга суд



процесси вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш бўйича чоралар кўради. Уйга киритиш ҳақидаги низолар бўйича фуқаролик ишлари суд муҳока-масига тайинланган кундан эътиборан бир ой-дан кечиктирмасдан, ҳал этилиши лозим. Ишда иштирок этувчи шахсларга Фуқаролик процессу-ал кодексининг 44-моддасида белгиланган про-цессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушунтирилади. Даъвогар билдирилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, қўшимча тала-блар тақдим этишга, даъво талабларининг миқ-дорини оширишга ёхуд камайтиришга, улардан тўлиқ ёки қисман воз кечишга ҳақли эканлиги-ни, жавобгар даъвогарнинг талабини тўлиқ ёки қисман тан олишга, қарши даъво тақдим этишга ҳуқуқи борлигини, даъво ишини юритишда та-рафлар суд процессининг ҳар қандай босқичида ишни келишув битими орқали тугаллашга ҳақли-лиги тушунтирилади.

Мазкур масалаларни ҳал этишнинг муҳимли-ги шундаки, уларга берилган жавобларга қараб суд мажлисининг қай тарзда давом эттирилиши-га ойдинлик киритилади. Хусусан, иш бўйича то-монларнинг тўла тушунтиришларини эшитиш ва иш юзасидан тўпланган далилларни текширишга зарурат бор-йўқлиги аниқланади. Агар даъвогар даъвосидан воз кечган ёки келишув битими тас-диқланган ҳолда, шу босқичда суд ажрими билан фуқаролик иши иш юритишдан тугатилади. Жа-вобгар даъво аризани тан олган ҳолда эса сод-далаштирилган ҳал қилув қарори чиқариш билан иш якунланади. Шу тариқа раислик этувчи бошқа процессуал ҳаракатларни, далилларни текшира-ди, сайёр суд мажлиси ўтказади, кўздан кечириш ишларини амалга оширади. Агар иш ҳолатига ойдинлик киритишда муҳим аҳамиятга эга, деган хулосага келинса, судья гувоҳларни сўроқ қила-ди. Бунда гувоҳни сўроқ қилиш тартибига риоя қилиниши талаб этилади.

Қайд этиш жоизки, уйга киритиш ҳақидаги фуқаролик ишларини кўришда судлар, албатта, Фуқаролик процессуал кодексининг 106-модда-сида белгиланган даъвони таъминлаш чорала-рини кўриши лозим. Уйга киритиш билан боғлиқ ишлар, асосан амалдаги Уй-жой кодексининг 32, 52 ва 54-моддалари асосида ҳал этилади. Ушбу нормаларда мулкдорнинг, у билан доимий яшаёт-ганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белги-лаб берилган. Суд даъво талабидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилув қарори чиқариши ва даъво ариза қаноатлантирилган ҳолда даъвогарни низоли ту-рар жойга ёки унинг қайси яшаш хонасига кири-тилиши аниқ кўрсатилади. Фойдаланиш ҳуқуқини белгилашда ҳам бу масала аниқ кўрсатилиши ло-зим. Акс ҳолда, ҳал қилув қарорини ижро этишда муаммолар юзага келади. Шу сабаб келинлар уйга киритиш ҳақида даъво ариза билан мурожаат қил-ганларида, низоли уйга эмас, балки низоли уйнинг



яшаш хонасига киритилиши ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилиши мақсадга мувофиқ. Чунки, амалиётда келинларни низоли уйга киритиб қў-йиш ҳақида қарор чиқарилганда, суд ижрочилари уни фақатгина уй ичидаги ҳовлига киритиб қўйиш билан чекланмоқдалар. Уй эгаси келин ва унинг фарзандларини яшаш хонасига ёки келин бўлиб тушган хонасига киритиб қўйиш ҳақида қарор чиқарилмаган, деган важлар билан уларни яша-шига тўсқинлик қилади. Натижада, келинлар қай-та судга мурожаат этишга мажбур бўлмоқдалар. Бу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида тегишли Пленум қарори қабул қилиш ёки бу ҳақда тушунтириш бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Уйга киритиш билан боғлиқ муаммолардан яна бири – ҳал қилув қарори чиқарилгунига қадар ёки чиқарилганидан сўнг низоли уйнинг сотилиб кетганлиги ёки бошқача тарзда бегоналаштирил-ганлиги ҳисобланади. Суд жараёнида низоли уй сотилиб кетганлиги аниқланган тақдирда, судья низоли уйни сотилганлигини тасдиқловчи далил-ларни талаб қилиб олиши ва томонларни тегишли тараф билан алмаштириш чорасини кўриши ёки даъвогарга қўшимча даъво ариза тақдим этиш ҳуқуқини тушунтириши лозим. Агар ҳал қилув қароридан сўнг низоли уй сотилган тақдирда, даъвогар янги мулк эгаларига нисбатан янги даъ-во ариза билан судга мурожаат қилиши лозим. Чунки, жавобгарлар низоли уйда яшамасликлари сабабли суд қарорини ижро этиш имконияти бўл-майди. Шу сабабли бундай тоифадаги низоларни ҳал этишнинг ўзига хос хусусияти даъво ариза келиб тушган пайтдан бошлаб даъвони таъминлаш чорасини кўриш ҳисобланади.

Уйга киритиш билан боғлиқ муаммолардан яна бири Уй-жой кодексининг 52-54-моддалари-да хусусий уй-жой фонди тўғрисида сўз юритил-маганидир. Шу сабабли судлар қонун нормалари аналогияси бўйича ушбу моддаларни фуқаролик ишига татбиқ этаётганликларини кўрсатишлари лозим бўлади. Ўз навбатида, қонуннинг ушбу нормасига хусусий уй-жой фондига оид тегишли нормалар киритилса, аини муддао бўлар эди.



Беҳзод МҶМИНОВ,
Судьялар олий
мактаби доценти

ҚОЗИЛАРГА ДАСТУР БЎЛГАН МАКТУБ

Нима сабабдан Умар ибн ал-Хаттоб номи албатта “одил” ёки “адолатли” қўшимчаси билан бирга ёдга олинади. Бунинг сабаби, халифаликлари ўн йил (634-644 й.) давом этган бўлса-да, умрининг маъносини ҳақ ва адолатда деб билганлиги, ҳаммага адолатни бир хилда амалда намоеън қилгани, яъни халқдан ҳам, мансаб берилган шахслардан ҳам ва ўзидан ҳам бирдай адолат талаб қилганлигида бўлса керак. Зеро, унинг ўзи “Мен учун энг севимли киши хатоларимни кўрсатган инсондир. Мен учун энг афзал инсон адолатга зид иш таклиф қилинганида, манфаатли бўлишига қарамасдан, рад эта олган инсондир” – деган сўзлари унинг ҳаётдаги асосий ўлчов мезони адолат бўлганлигини тасдиқлайди.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам Умар ибн ал-Хаттоб розияллоху анхуга яна “Форуқ” – “ҳақ ила ботилни ажратувчи” деган лақабни ҳам берганлар. Халифа бирор бир шахсга амал берса, “Барзун (ясатилган от) минмайсизлар, нақий (яхши бугдой нон) емайсизлар, рақиқ кийим киймайсизлар, одамларнинг ҳожатидан эшикларингизни ёпмайсизлар, агар шулардан бирортасини қилсангиз, сизга албатта укубат тушади”, деб шарт қўйган экан. Низолашаётган тарафлардан бири давлат амалдори иккинчи тараф фуқаро бўлганида, қози уларнинг тенглигини таъминлаши шартлигига эътибор қай даражада бўлганлигини қуйидаги мисолдан ҳам билишимиз мумкин.

Кунларнинг бирида Убай ибн Каъб ва Ҳазрати Умарнинг ораларида тушунмовчилик келиб чиқади. Улар қозига боришга қарор қилишади. Ҳоким (ҳукм чиқарувчи) Зайд ибн Собит Ҳазрати Умарга нисбатан ҳурмат кўрсатиб:

— Келинг, мўминлар амири, — деб юборади.

Ҳазрати Умар муомаладан ранжиди.

— Бундай муомала ён босишга ва кейинчалик адолатдан четланишга олиб боради. Мен бу ерда Умар ибн ал-Хаттобман, сенинг олдинда халифа билан оддий одам бир хил ҳуқуққа эга бўлмагунича ва тенг кўрилмагунича тўғри ҳукм чиқаролмайсан дейди. Халифа кибр ва гурур раҳбарни толиби илм билан бир сафда туришга қўймаслиги мумкинлигини ҳисобга олиб, “Раҳбар бўлишдан олдин илм ўрганглар” деганлиги, унинг раҳбарларга қандай юксак талаб қўйганлигини кўрсатади.

Бироқ, унинг биргина мактуби исломда қозилик ишларини ташкил этиш учун дастурил амал бўлади. Ушбу муҳим ҳужжатни Имом Дора Қутний ўзларининг “Сунан” китобларининг тўртинчи жузъида “Умар ибн ал-Хаттобнинг Абу Мусо ал-Ашъарийга мактуби” сарлавҳаси остида аниқ санадлари билан келтирганлар. Умар ибн ал-Хаттобнинг Абу Мусо Ашъарийга мактуби халифалик даврларида улугъ саҳобий Абу Мусо Ашъарий розияллоху анху вилоятлардан бирида қози бўлганида ёзилган мактубда замонавий процессуал қонунчилик учун асос бўлган муҳим ғоялар мавжуд. Жумладан, “... қачон сенга ҳужжат келтирилса, уни яхши фаҳмлаб ол. Ҳаққ равшан бўлган чоғда уни юзага чиқар. Ўтмайдиган ҳаққ учун (орага тушиб) гапириш манфаат бермайди. Икки томон орасида

*Ёмонга эл
бўлгунча, язир
отга бел бўл.*

**Ўзбек халқ
мақоли**

юзингни, мажлисингни ва адолатингни бир хил қил. Токи, шараф сенинг жаврингга таъма қилмасин ва заиф сенинг адолатингдан ноумид бўлмасин...” деган жумлалар қонунийлик, одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш, ҳақиқатни аниқлаш, судда ишларни юритишда тортишув каби суд ишларини юритишнинг асосий принципларини ўзида ифодалайди.

Мактубдаги “Кеча чиқарган ҳукминг уни ўзингча қайта кўриб, тўғрилиққа ҳидоят қилиниб, сўнгра ҳаққа қайтишингдан манъ қилмасин” жумласидан агар қози янглиш ҳукм чиқарса, хатони тузатиш ва адолатни тиклаш афзаллиги, яъни суд қарорларининг қонунийлиги ва адолатлиги қайта кўрилиши зарурлиги ўша вақтда ҳам муҳим бўлганлиги ҳақида хулоса қилишимиз мумкин. “Китоб ва суннатдан сенга етмаган, қалбингни ҳижил қилган нарсани яхшилаб фаҳмлашга урин” деган жумла эса Жиноят-процессуал кодексининг 95-моддасида белгиланган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб, ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо беришлари лозимлиги ҳақидаги нормага мувофиқ келади. “Бир-бирига мисл ва ўхшаш бўлган нарсаларни яхшилаб таниб ол. Сўнгра ўшанга биноан бошқа ишларни қиёс қил. Ишларнинг Аллоҳга энг маҳбубига ва сенинг кўз қарашингга ҳақиқатга энг яқинига қасд қил” жумласи қонун ва ҳуқуқ аналогияси, нормалар рақобати каби мунозарали масалаларнинг бугунги кундаги ечимига моҳиятан мосдир. “Ким ҳужжат келтиришни даъво қилса, унга етарлича вақт бер. Агар у ҳужжат келтирса, ҳаққини олур. Магар унинг зиддига ҳукм чиқарасан. Албатта, ўшандоқ бўлиши ноаниқликни йўқотувчи роқ ва узрни ўтказувчи роқдир” деган қоида Фуқаролик процессуал кодексининг 72-моддасида белгиланган ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шартлиги, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 67-моддасида белгиланган ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши кераклиги ҳақидаги қоидага мувофиқ бўлади. “Барча мусулмонларнинг гувоҳликларини қабул қил. Фақат ёлғончилиги исботланган ёки шаръий жазо сифатида гувоҳлик бериш ҳуқуқидан маҳрум бўлган кишилар бундан мустасно. Шунинг-



дек, қариндошлик ва қул-хожалик муносабатлари туфайли гувоҳликлари қабул қилинмайдиганлар бор. (Яъни, фарзанд отаси, қул хожаси фойдасига гувоҳлик бериши мумкинлиги эҳтимоли бор.) Булардан бошқа барча мўминларнинг гувоҳлиги қабул қилинади” жумлалари, исботлаш назарияси ва далиллар мақбуллиги қоидаларининг замонавий шаклига мос.

Мактубдаги “далил билан исботланмаган ва қасам билан тасдиқланмаган ишга жазо берилмаслиги” қоидаси Конституция-мизнинг 26-моддасида белгиланган айбсизлик презумпцияси ва суднинг ҳал қилув қарори суд мажлисида текширилган далилларгагина асосланган бўлиши мумкинлиги ҳақида суд муҳокамасининг асосий қоидасини ёдга солади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, гарчи ўша вақтда ҳуқуқий билимлар бугунги кундаги қадар ривожланмаган ва тизимлаштирилмаган бўлса-да, Умар ибн ал-Хаттобнинг Абу Мусо ал-Ашъарийга мактуби суд ишларини юритишнинг асосий қоидаларини ўзида мужассам этган. Айнан шу сабабдан европаликлар ҳам ўз тилларига таржима қилиб, ҳуқуқшунослик университетларида фойдаланишган ва барча ҳуқуқ тармоқларини шакллантириш, суд фаолиятини ташкил этишда фойдаланишган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аҳмад Лутфий Қозончи. Ҳазрати Умар ибн ал-Хаттоб. Тошкент “Мовароуннаҳр” 2005.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Адабул қози ва қозилик китоблари.



Отабек ПИРМАТОВ,
Тошкент давлат
юримдик университетининг
катта ўқитувчиси

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИДА ВИРТУАЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Мамлакатимизга хорижий инвесторлар, халқаро молия ташкилотларининг маблағларини кенг жалб қилиш мақсадида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Хорижий инвесторлар, халқаро молия ташкилотлари маблағ йўналтиришдан олдин юртимиздаги сўз эркинлиги, ОАВ мустақиллиги, жамоат назорати, мустақил ҳамда одил судлов тизими мавжудлигига қизиқишмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда сўз эркинлиги, ОАВ мустақиллиги, жамоат назорати борасида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Мустақил, коррупциядан ҳоли суд тизимини жорий этиш бўйича ҳам қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Одил суд тизимини такомиллаштиришда замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, хусусан фуқаролик суди ишларини виртуаллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида суд тизимини виртуаллаштириш, суд тизимига сунъий интеллектни жорий этиш жадаллик билан амалга оширилмоқда. Виртуал судлар инсон омилсиз тарафлар ўртасида вужудга келадиган фуқаролик низоларини ҳал қилувчи платформалардир. Бунда барча суд процесслари онлайн асосда амалга оширилади. Хусусан: даъвогар ва жавобгар виртуал майдонда бўлади, давлат божи ҳам онлайн тартибда тўланади, тарафлар вакилининг ваколатларни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам дастурий таъминот орқали тасдиқланади, далиллар ҳам онлайн тартибда юборилади, тарафларнинг оғзаки кўрсатмалари видеоконференция режимида ёзиб олинади, тарафларга суднинг ҳал қилув

қарори онлайн тартибда юборилади. Хитой Халқ Республикасида ҳам фуқаролик ишлари бўйича виртуал судлар ташкил этилган бўлиб, виртуал судлар қуйидаги фуқаролик низоларини кўриб чиқади: онлайн савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида вужудга келадиган низолар, микроқарз билан боғлиқ низолар, виртуал муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ низолар, домен номлари билан боғлиқ низолар, фуқароларнинг виртуал оламдаги ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши натижасида келиб чиқадиган низолар, онлайн мажбуриятларни бажармасликдан келиб чиқадиган низолар, бошқа виртуал фуқаролик ва маъмурий суд ишлари. Хитой Халқ Республикасида юқорида белгиланган ишлар бежизга виртуал судлар томонидан кўрилмайди, чунки ушбу низолар виртуал оламда юзага келади ва виртуал судлар орқали ҳал қилинади. Ҳиндистон Республикасида ҳам виртуал судлар кенг жорий этилган. Виртуал судда даъво ариза тақдим этишдан бошлаб, ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар бўлган барча жараён онлайн шаклда амалга оширилиб, суд муҳокамаси видеоконференцалоқа режимида амалга оширилиши белгиланган.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 209-моддасида судларда видеоконференцалоқани амалга оширишнинг техник имконияти бўлган тақдирда, ишда иштирок этувчи шахслар ва одил судловни амалга оширишда кўмаклашувчи шахслар суднинг видеоконференцалоқа режимидаги мажли-





сида бу ҳақда ўзлари илтимоснома берганда ёки суднинг ташаббусига кўра иштирок этиши мумкин. Кўрсатилган шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш тўғрисида суд ажрим чиқаради, ажримнинг кўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга, одил судловни амалга оширишда кўмаклашаётган шахсларга ва ўз кўмагида ушбу шахслар бундай мажлисда иштирок этиши мумкин бўлган тегишли судга юборилади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун уларнинг яшаш жойи ёки жойлашган ери ва турган жойи бўйича тегишли судларнинг видеоконференцалоқа тизимларидан фойдаланилади, деб белгиланган.

Хорижий мамлакатларда суд мажлисининг видеоконференцалоқа режимида олиб борилиши махсус платформалар ёки оммавий платформаларда амалга оширилиши мумкин. ЖАР, Угандада Zoom, Янги Зеландияда Microsoft teams, Хитойда суднинг махсус платформаси орқали амалга оширилади. Юқоридаги мамлакатлар фойдаланаётган платформалардан оддий аҳоли ҳам фойдаланиши мумкин. Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан суд мажлислари видеоконференцалоқа режимида олиб бориладиганда, барча учун қулай бўлган платформалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда фуқароларнинг судларга бориши учун кетадиган маблағ ва вақтининг олди олинган бўлар эди.

Виртуал судларда фуқаролик ишларида, аввало, ишни шаффоф тартибда кўриш ҳамда учинчи шахслар аралашувининг олди олинган бўлади. Виртуал судлар фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьяларининг иш ҳажмининг камайишига ҳам хизмат қилади.

Қаҳрамон МИРСАФАЕВ, Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди судьяси



2020 йил 30 июнь куни Давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳар чоракда суд раҳбарларининг оммавий ахборот воситалари орқали одил судлов фаолияти юзасидан ахборот беришларини йўлга қўйиш, суд корпусида аёлларга нисбатан гендер тенгликни таъминлаш, видеоконференцалоқа тизими орқали ишларни кўришни жадаллаштириш, Судьялар олий мактабида судьялар ва суд ходимларини сиртқи, кечки, масофавий ўқув курсларини ташкил этиш, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида видеоконференцалоқа тизимини, суд мажлисларида аудиоёзувни қайд этишни жорий этиш давр талаби эканлиги таъкидланди.

Бугунги ахборот технологиялари жадал ривожланиши даврида электрон тизимни судлар фаолиятига кенг татбиқ этиш, хусусан интеграциялаш лозимлиги тўғрисидаги таклифни мен судья сифатида кўллаб-қувватлайман, чунки судлар фаолиятида интеграциянинг йўлга қўйилиши, фуқароларни ортиқча овора қилмаган ҳолда одил судловнинг олиб борилиши, келгусида халқнинг розилиги билан бир қаторда, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади. Жумладан, судларда жиноят ишларини кўриш жараёнида судьялар томонидан судланувчиларнинг шахсига доир турли хил маълумот олинадиган, зарарни қоплаш чораларини таъминлаш мақсадида сўровномалар юборилиб, тақиқ қўйилади, экспертиза тайинланади ва турли идоралардан керакли маълумотлар олиш орқали ҳақиқат аниқланиб, одил судлов таъминланади.

Бироқ, ушбу сўровнома ва экспертиза тайинлаш ажримлари қоғоз шаклида чиқарилиб, кўрсатилган манзилга почта орқали етиб боргунча ва жавоб олингунча қадар қанча қоғоз ва вақт кетиб, жиноят ишининг чўзилишига олиб келади. Агарда жиноят ишлари бўйича судларда интеграция тизими жорий этилиб, мисол учун, кадастр, нотариус, давлат хизматлари агентлиги, экспертиза ва қамоқда сақлаш муассасалари билан ахборот алмашуви, ички ишлар органлари тизимидаги ахборот маркази, Форма-1, КАБ ва бошқа шахсга доир маълумотлар электрон базасига кириш, зарарни қоплашни таъминлаш учун электрон тарзда судланувчининг банклардаги маблағлари, кўчмас ва кўчар мол-мулки ҳақида маълумотларни олиш, уларга тақиқ қўйиш ва ечиш ваколатини бериш тизими жорий этилса, жиноят ишларини кўриш вақти қисқартириш имкониятини бериб, нафақат суд идораларида, балки бошқа ташкилотларда ҳам қоғоз тежалиши, почта харажатларининг олди олинishi, бюджет харажатларининг қисқартирилишига ҳам олиб келиши муқаррар.

Бир сўз билан айтганда, суд, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида видеоконференцалоқа тизимини, суд мажлисларида аудиоёзувни қайд этиш, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш судлар фаолиятининг очиклигини, шаффофлиги ва тезкорлигини таъминлаш, судларда иш юритиш сифатини ва аҳолининг одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қилади.



**Рустамбек
ТУРИМБЕТОВ,**
Судьялар олий
мактаби ходими

СУДЛАРДА ЭКСПЕРТИЗА ТАЙИНЛАШ

Суд муҳокамасида ҳақиқатни аниқлашда экспертизанинг ўрни жуда муҳим саналади. Экспертиза хулосаси билан жиноят ишининг 80-90 фоиз ечими аниқланади. Экспертиза тайинлашнинг бирдан-бир талаби ва энг муҳим жиҳати судья томонидан экспертлар учун саволларни тўғри қўйишидир.

Савол қўйишдан олдин судья иш билан тўлиқ танишиб чиқиб, ҳолатларни чуқур ўрганиши лозим (масалан, шартномада бир тараф муҳр ва имзолар уларга тегишли эмаслигини тушунтирганида, экспертизага қўйиладиган саволлар айнан муҳр қандай усул билан тайёрланган; муҳр, ёзма матн ва имзоларнинг кетма-кетлигини аниқлаш; имзо ким томонидан бажарилган, деган саволлар қўйилади). Қўйиладиган саволлар аниқ, иккиламчи маънони англатмайдиган, агарда шахсга йўналтирилган бўлса, манзилли (адресный) бўлиши шарт. Айрим ҳолатларда саволлар нотўғри қўйилганлиги туфайли кўрилатган иш ўзининг мазмун-моҳиятини йўқотади ва шу сабабли айбланувчи, жабрланувчи, томонлар, яъни

даъвогар (жавобгар) ёки аризачи экспертиза хулосасидан қониқмайди, ишнинг сифат даражаси камаяди, шунингдек, ишни мазмунан кўриб чиқиш муддатлари саволларга аниқлик киритиш мақсадида қайтарилган ажримларни қайта кўриб чиқиш, яъни кўриб чиқиш муддатларини узайтириш овозгарчиликларга ҳам сабаб бўлади. Ишни кўришдаги шошма-шошарлик, эътиборсизлик оқибатида томонларнинг адолатга ишончи йўқолиши ёки ҳар хил тасдиқланмаган гумон ва фикрларга келишига асос бўлади.

Суд экспертизаси суд жараёни доирасида тайинланиши, ташкиллаштирилиши ва ўтказилиши лозим. Режалаштириш муайян принципларга асосланиши керак: мақсадга мувофиқлик (вазифаларни самарали ҳал этишга эътибор қаратиш), индивидуаллик (режалаштириш аниқ эксперт вазифасига боғлиқ бўлиши керак), воқелик (реал вақт ва техник имкониятлар ҳисобга олиниши зарур). Экспертиза тайинлаш процессуал ҳаракат бўлиб, қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади. Бу ҳаракат фақат экспертиза тайинлаш ҳақида қарор ёки ажрим тузиш билан чекланмайди. Терговчи, прокурор, суд экспертизасини тайинлаш жараёнида экспертиза ўтказишнинг муайян сабабларини, экспертиза предметини, объектини, экспертиза олиб бориш кимга топширилишини, уни ўтказиш вақти ва жойи белгиланади. Келтириб ўтилганлардан ташқари яна бир қатор ташкилий масалалар ҳам ўз ечимини топиши зарур.

Экспертиза иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни, фан-техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билимга эга шахс ўтказадиган махсус текшириш орқа-





ли олиш мумкин бўлганда тайинланади. Амалиётда экспертиза ўтказиш фақат махсус билимлар ёрдамида муайян объектни текшириш зарурати билан чекланмайди. Жумладан, айбланувчини рост кўрсатма беришга ундаш мақсадида унга таъсир ўтказиш учун тактик мақсадлардан келиб чиқиб, тайинланувчи орган (шахс) экспертизага мурожаат қилиши ҳам ўринли. Ишни тергов қилиш ва судда кўриш жараёнида экспертиза тайинлаш ва ўтказиш имкониятларига турли факторлар таъсир кўрсатади. Улар ичида объектив ва субъектив факторларни ажратиш мумкин. Субъектив факторлар қаторига ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг касб маҳорати, суд экспертиза ҳақидаги билимлари ва далилнинг бу воситасига муносабатлари, тергов ва эксперт идоралари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам киради.

Ишни тергов қилиш ва судда кўриш жараёнида экспертиза тайинлаш ва ўтказиш имкониятларига турли факторлар таъсир кўрсатади. Улар ичида объектив ва субъектив факторларни ажратиш мумкин. Субъектив факторлар қаторига ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг касб маҳорати, суд экспертизаси ҳақидаги билимлари ва далилнинг бу воситасига муносабатлари, тергов ва эксперт идоралари орасидаги ҳамкорлик киради. Объектив факторларга эса процесснинг алоҳида босқичларида ҳуқуқий фаолият хусусиятлари, ушбу босқичнинг вазифа ва шароитлари, суд экспертизасининг ривожланиш даражаси, ҳал этиладиган масалалар ва уларни ечиш имкониятлари билан боғлиқ масалалар ҳам киради. Қонунда экспертиза тайинланиши мумкин бўлган масалалар

чегараланмаган, аммо экспертиза услубиёти, тадқиқот учун қўлланиладиган усуллар, техник воситалар ва бошқа маълумотлар ишончли, текширилган ва синалган бўлиши талаб этилади. Шунинг учун экспертизанинг илмий асослари шаклланган ва у тегишли тартибда амалиётга татбиқ этишга тавсия қилинган бўлиши керак.

Судьялар олий мактабида экспертиза тайинлаш тартиблари, соҳа эксперти учун саволларни тўғри ва аниқ қўйиш бўйича дарслар ўтилмоқда.

“Суд экспертизаси назарияси” курси олий таълим тизимида ўқитиладиган фалсафа, этика, эстетика, мантиқ, ҳуқуқшунослик, жиноят-процессуал ҳуқуқи, фуқаролик процессуал ҳуқуқи, иқтисодий процессуал ҳуқуқ, криминалистика каби фанлар билан боғлиқ ҳамда услубий жиҳатдан узвийдир.

*Ўзингга ботар сўзни сен сўзлама,
Экиб бугдой, арпа ўриш кўзлама.
Узиб гулни бўлган эсанг шодмон,
Тикан дардини тортасан бегумон.*

Саъдий ШЕРОЗИЙ



Фарход ЗОКИРОВ,
Судьялар олий
мактаби
тингловчиси

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ: ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА

Ярашув институти ҳозирги кунда жиноят қонунчилигида кенг қўлланилаётган институтлардан бирига айланганлиги сир эмас. Ушбу институтни қўллаш кўламининг кенгайишида халқимиздаги бағрикенглик, кечиримлилик, ўзаро ҳурмат, аҳиллик ва меҳр-оқибат каби хислатлар сабаб бўлди. Ҳозирги кунда ярашув институтини такомиллаштириш, уни янада кенгроқ қўллаш имкониятларини ўрганиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти аксарият хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам у ёки бу кўринишда белгиланган. Баъзи давлатлар қонунчилигида ушбу институт тўғридан тўғри ярашув деб аталса, бошқа давлатларда бошқа атамалар билан (медиация, келишув битими тузиш, аризани қайтариб олиш ва бошқалар) қонунчиликка киритилган бўлиб, мазмунига кўра айбдорнинг жабрланувчи билан ярашганлигига кўра жиноий таъқибни тўхтатишни англатади. Айрим давлатларда, хусусан, Россия Федерацияси, Янги Зеландия, Болгарияда бу институт “яраштирувчилик” деб аталса, айрим давлатлар, жумладан, Германия, Руминияда “келишув”, Испанияда “кечириш”, АҚШ ва Англияда “тарафларнинг дастлабки терговдаги келишуви” деб номланади.

Ярашувни қонунчиликка жорий этиш бўйича хорижий давлатлар қонунчилигининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

биринчи гуруҳ давлатларида ярашув жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш учун асос ҳисобланади;

иккинчи гуруҳ давлатларида эса ярашув жиноий жавобгарлик ёки жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўрилади;

учинчи гуруҳ давлатлари жиноят кодекси (кейинги ўринларда ЖК деб юритилади) махсус қисмида алоҳида жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш асоси сифатида кўрсатилган.

Собиқ иттифоқ давлатлари жиноят қонунчилиги биринчи гуруҳ таркибига киради. Бу давлатлар қонунчилигидаги ярашув миллий қонунчилигимиздаги ярашув институтига нисбатан кўп жиҳатлари билан ўхшайди.

Мазкур давлатлар қонунчилигининг умумий жиҳатлари билан бирга ўзаро фарқ қилувчи жиҳатлари ҳам мавжуд. Бунга баъзи давлатларда биринчи марта жиноят содир этган шахс ярашув институти таъсир доирасига тушиши белгиланса (Россия Федерацияси, Озарбайжон, Украина, Беларусь ва Туркменистон), бошқаларида эса муқаддам судланганлигининг аҳамияти йўқ (Қозоғистон, Қирғизистон, Арманистон, Латвия, Литва, Эстония ва Молдова). Шунингдек, Туркменистон Жиноят кодексидан бошқа жиноят қонунларида жиноятларнинг рўйхатлари берилмасдан, оғирлик даражасига кўра жиноятларнинг маълум бир тоифалари ярашув институти таъсир доирасига киритилган.

Бундан ташқари, ушбу давлатлар жиноят қонунчилигида ярашув институти таъсир доирасига монелик қилувчи ҳолатлар ҳам белгиланган. Масалан, Қозоғистон ЖКга кўра вояга етмаганларга нисбатан жинсий дахлсизликка қарши жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, одам ўлимига олиб келган жиноятлар, коррупция билан боғлиқ жиноятлар, террорчилик жиноятлари, экстремистик жиноятлар, уюшган гуруҳ таркибида содир этилган жиноятлар ярашувни қўллашни истисно қилади.

Украинада коррупцияга оид жиноятларга, Қирғизистонда уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма таркибида жиноят содир қилган шахсларга нисбатан ярашув қўлланилмай-



ди. Литва ЖКда хавfli рецидивистлар, шунингдек илгари содир этган жинояти учун ярашув қўлланилганидан 4 йил ўтмасдан жиноят содир этган шахслар тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди.

Мазкур давлатлар қонунчилигида айбига иқрорлик масаласига турлича ёндашув мавжуд. Аксарият жиноят қонунларида айбига иқрорлик ярашувни қўллаш шарт сифатида белгиланганмаган. Фақатгина Литва ва Эстонияда айбига иқрорлик зарурий шартлардан бири сифатида кўрсатилган. Жабрланувчи билан ярашганлик шарт барча давлатлар қонунчилигида асосий шарт ҳисобланади. Аксарият давлатлар қонунчилигида етказилган зарар қопланганлиги ярашувни зарурий шарт сифатида белгиланган. Лекин, Болтиқбўйи давлатларида ярашув қўлланилгунига қадар айбдор жабрланувчига зарарни қоплаган бўлиши шарт эмас. Бунда айбдор ва жабрланувчи ўртасида келишув тузилиб, ярашув қўлланилгач, айбдор мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, ярашув бекор бўлади.

Шу билан бирга баъзи давлатлар қонунчилиги оғирроқ жиноятлар содир этган бўлсада, ярашув институти қўлланилиши мумкин бўлган шахслар тоифасини ҳам назарда тутлади. Хусусан, Қозоғистонда вояга етмаганлар, ҳомиладор ёки ёш болалари бўлган аёллар, ёш болаларини ёлғиз тарбиялаётган эркаклар, қариялар биринчи марта одам ўлимига ёки баданга оғир шикаст етказилишига олиб келмаган оғир жиноятни содир этганликлари учун ярашув асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Эстония ЖКнинг 57-моддасида айбдорнинг жабрланувчи билан ярашганлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида келтирилган. Хорватия ЖКда ярашув ҳам жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида келтирилган. Унга кўра қонунда 1 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган ва жабрланувчи билан ярашиб унга етказилган зарарни қоплаб берса, жиноий жазо суд томонидан кечирилиши мумкин (Хорватия ЖК 50-моддаси). Руминия ЖК 59-моддасига кўра суд 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси ёки жарима жазоси кўзда тутилган жиноятни содир этган шахс агар жабрланувчи билан ўртада тузилган келишув бўйича барча шартларни бажарганда жазодан озод қилади.

Иккинчи гуруҳ давлатларида ярашув фақатгина жазони енгиллаштириш учун асос сифатида белгиланган бўлиб, булар-



га Финляндия ва Польша ЖКларини мисол сифатида келтириш мумкин. Испания ЖКни учинчи гуруҳга киритиш мумкин. Жумладан, Испания ЖКнинг махсус қисмининг баъзи моддаларида ҳам жиноят ишининг ярашув, яъни кечирилганга оид қоидаларнинг белгиланганидир. ЖК 215-моддасида тўхмат ва ҳақорат учун жабрланувчилар вакилларининг кечирилган ҳақидаги мурожаатларни суд томонидан рад этилмаслиги белгиланган. Бундай қоидалар бошқа бир қатор жиноятлар учун ҳам белгиланган. Германия жиноят қонунчилигида хусусий айблов билан боғлиқ ишларга тааллуқли меъёрлар ҳам мавжуд. Жиноят кодексида бир қатор жиноятларнинг фақат жабрланувчининг аризасига кўра жиноий таъқиб қилиниши белгилаб қўйилган бўлиб, бу ЖК бобларида жиноий таъқиб учун ариза деб номланувчи алоҳида модда сифатида ёки бевосита жиноий жавобгарликни белгилувчи модданинг ўзида кўрсатиб ўтилган.

Юқоридагиларни инobatга олган ҳолда, хулоса қилиш мумкинки, бошқа давлатларнинг қонунчилигидаги ижобий жиҳатларни эътиборга олиш нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Головки Л.В. Альтернативы уголовному преследованию: европейская практика или российская уголовно-процессуальный контекст // Вестник восстановительной юстиции. 2003. №5. С. 25-32
2. Освобождение от уголовной ответственности в связи с примирением с потерпевшим: Учебное пособие / Кемеровский госуниверситет. – Кемерово: Кузбассвузиздат, 2004. –27-б.
3. Давыдова Е.В., Кибальник А.Г., Соломошенко И.Г. Примирение с потерпевшим в уголовном праве. – Ставрополь: Ставропольский сервисколледж, 2002. – 58-б.
4. Арманистон Миллий Мажлиси расмий сайти www.parliament.am/legislation.
5. Беларусь Республикаси Миллий ҳуқуқий Интернет портали www.pravo.by/pravovaya-informatsiya.
6. Россия Федерацияси Ҳуқуқий ахборот расмий интернет портали. www.pravo.gov.ru

СУДЬЯГА НИСБАТАН ҲУРМАТСИЗЛИК – ҚОНУН ТАЛАБИГА ЗИД!

Сўнги кунларда интернет сайтларида ва ижтимоий тармоқларда Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани ва Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида рўй берган воқеалар, яъни судьяларга нисбатан ҳокимият ва ички ишлар органлари мутасаддиларининг муносабати жиддий муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Сабаби, жамият ҳаётида адолат қарор топишида ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган судьяларга нисбатан бундай “меҳрибонлик” турган гапки, кўпчиликни қизиқтириши табиий.

Қуйида, эътиборингизга тақдим этилаётган давра суҳбатида ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти шароитида содир бўлиши мутлақо мумкин бўлмаган ушбу воқеа-ҳодисалар тафсилотлари ҳақида эмас, балки судьяларнинг бу воқеаларга нисбатан фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишасиз.



Ҳолмамат ҲАСАНОВ,
Тошкент шаҳар
маъмурий суди судьяси:

– Дастлаб, алоҳида таъкидлашни истардимки, менинг бу воқеаларга (Жарқўрғон тумани ва Гулистон шаҳрида рўй берган воқеаларни назарда тутяпман) нисбатан айтадиган фикрларим кимнидир қоралаш ёки кимнидир оқлаш нуқтаи назаридан айтилаётган фикр-мулоҳазалар сифатида қабул қилинмаслиги керак. Сабаби, бу воқеаларга қонуний баҳо бериш тегишли органларнинг текширувлари асосида амалга оширилади. Лекин, бугун давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсадига айланган “адолат қарор топиши” керак бўлган жамиятда судьянинг дўппосланиши ақлга сигмайдиган ҳодиса. Дейлик, судья ёки судьянинг ҳайдовчиси карантин қоидаларини бузди. Ҳали ҳар иккала ҳолатда ҳам судья ёки судья ҳайдовчиси томонидан қоидабузарлик содир бўлганлиги ўз тасдиғини топганича йўқ. Ҳуқуқшунос сифатида қатъий айтаманки, шундай бўлган тақдирда ҳам уни дўппослаш ёки кўпчиликнинг олдида мулзам қилишга уриниш мутлақо мумкин эмас. Бу ҳолатда судьяга нисбатан кўпол ҳаракат, тан жароҳати етказилиши ноқонуний ва “маҳсус объект” сифатида баҳоланиши шарт. Судья ва унинг оила аъзолари, шунингдек, суд ходимларига нисбатан қилинган тазйиқ, босим, ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари ҳар бир ҳолатда синчиклаб ўрганилиши, жиноий қилмиш нуқтаи назаридан


қиёсий ўрганишни тақозо этади. Ваҳоланки, бундай ҳуқуқий баҳо беришни четлаб ўтиш ёки ҳодисага нисбатан “кўз юмиш” “суд мустақиллиги ва судьялар дахлсизлиги”га путур етказилишини рағбатлантиради.

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 68-моддасига кўра, “Давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьяларни ҳурмат қилиши ва уларнинг мустақиллигига риоя этиши шарт.

Судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, шунингдек уни очиқдан-очиқ менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатлар қилиш қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлади” – деб белгиланган. Ўрни келганда, судьяларнинг дахлсизлигига салбий таъсир кўрсатадиган бир қатор омилларни санаб ўтмоқчиман. Биринчидан, судьялар касб фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, улар учун маҳсус соғломлаштириш маркази ташкил этилиши керак, деб ҳисоблайман. Буни бежиз айтаётганим йўқ. Сабаби, кўпчилик билан бирга даволанган судья ўзининг касб сирларининг очилишига йўл қўяди. Мен буни бир неча ҳаётий мисоллар билан исботлашим мумкин. (Лекин, ҳозир бунинг мавриди эмас.) Иккинчидан, судьяларнинг жойларга чиқиб тарғибот-ташвиқот қилиши ҳам баъзи бир англашилмовчиликларни келтириб чиқаради. Негаки, таъбир жоиз бўлса, судьянинг ҳар бир воқеа-ҳодисага нисбатан билдирган фикри – “вердикт” каби қабул қилиниши, яъни мажлисда ўзининг савол-жавоблари билан қатнашаётган оддий иштирокчилар “фалончи судья, фалон гапни гапирди”, – деб жойларда нотўғри талқин этиб қўйиши мумкин. Ҳатто, келгуси фаолияти давомида кўриб чиқадиغان ишида унинг ўзига

нисбатан аргумент сифатида фойдаланиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

